



# Эркин йорт

Ўзбекистон Ҳалқ Ҳаракатининг расмий нашри  
Мулоқот учун Е-mail: [erkinyurt@uzxalqharakati.com](mailto:erkinyurt@uzxalqharakati.com)

#23 30.03.2012

## “Чўлпон” МУХОЛИФ ЁШЛАР ТАШКИЛОТИ ТОШКЕНТДА ФАОЛЛАШМОҚДА



Ўзбек ёшларидан иборат, ўзларини “Чўлпон” деб атаган гурӯҳ тошкентда норозилик руҳидаги варақаларни тарактди.

Мухолифатдаги Ўзбекистон Ҳалқ Ҳаракатининг Ўзбекистондаги ёшлар қаноти деб тақдим қилинаётган ва ўзларини “Чўлпон” деб атаган гурӯҳ 27 март куни Тошкентда варақалар тарқатгани айтилмоқда.

Бу варақалар билан бирга Ўзбекистон ҳалқ ҳаракатининг расмий нашри “Эркин юрт” газетаси ҳам Тошкентда тарқатилган.

“Чўлпон” ташкилотига биринчан ўзбек ёшлари Тошкентнинг Юнусобод мавзесида жойлашган “Мегапланет” дўкони олдида автомобил ва таксиларнинг ойналарига “Эркин юрт” газетасининг навбатдаги сони ёпишириб кетилгани акс этган фотосуратлар Озодликка етиб келди.

Варақаларда ҳукуматнинг киракашлар ва таксичилар фаолиятига оид чекловларга бўйсунмаслик чакириғи чоп этилган.

Варақалар тарқатилганидан кейин дўкон олдида бир неча

киши ҳибсга олингани хабар қилинмоқда.

“Эркин юрт” газетаси мухаррири Камолиддин Йўлдош Озодлик билан сұхбатда Ўзбекистондаги норозилик тадбирлари тафсилотларига тўхтади. “Чўлпон” ёшлар гурӯхи 2012 йилнинг 16 январ куни тузилгани билдирилди.

“Чўлпон” ташкилоти 1992 йилнинг 16 январ куни Тошкентдаги талабалар ҳукумат кучлари тарафидан ўқка тутилган кун хотирасига тузилганини ўз баёнотларида билдиришган эди.

1992 йилнинг 16 январида Тошкентда минглаб талабаларнинг норозилик чиқиши қонли намойишларга айланиб кетган эди. Ҳукумат кучларининг талабаларга қарата ўт очиши оқибатида, расмий маълумотларга кўра, икки киши ҳалок булган, ўнлаб одамлар яраланган.

Бу ҳолат Ўзбекистонда ёшлар сиёсий фаоллиги сусайишига олиб келгани кузатилди.

1987 йилдан 1994 йилгача ўзбекистонда “Эркин ёшлар уюшмаси”, “Туркистон ёшлар дунёси” каби ёшларнинг мухолиф гурӯхлари фаолият юритган.

## ТОШКЕНТДА МУХОЛИФАТЧИ ЁШЛАР “ЭРКИН ЙОРТ”НИ ТАРҚАТГАНЛАР

Ўзбекистон Ҳалқ Ҳаракати хабарига кўра, Ҳаракатнинг “Чўлпон” номли ёшлар ташкилоти фоаллари Тошкентнинг Юнусобод мавзесида жойлашган “Мегапланет” тижорат маркази ўнгида автомобил ва таксиларнинг ойналарига “Эркин юрт” газетасининг навбатдаги сонини ёпишириб кетганлар.  
*(Давоми 2-бетда...)*

## КАРИМОВ РЕЖИМИ ҚУЛАШ АРАФАСИДА

Айнан шу сабабли яқинда давлатнинг энг муҳим органи бўлмиш иккита ташкилот раҳбарлари ўз вазифаларидан истеъро қилиш ҳақда аризаларини президентга тақдим этишиди.  
*(Давоми 3-бетда...)*

## ХАЛИФАЛИК ЁКИ ИСЛОМИЙ СИЁСАТИНГ ЎЗАГИ НИМАДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Хар қандай Халифалик шакли бугунги Жаҳон Системасининг узвий (интеграл) бир парчаси бўлиб колаверади. Мана сизга моҳиятни очувчи калит сўзлар: “Жаҳон Системасининг парчаси”!  
*(Давоми 4-ва 5-бетда...)*

## “ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ БУЮК ДАВЛАТ. КЕЛАЖАК ҚАЧОН КЕЛАДИ?

“Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” ибораси 22 йилдан буён хукм суроётган Каримов режимини асословчи соҳта афоризм бўлиб келмоқда. 22 йилдан бери Ўзбекистон ҳалқи мана шу чўпчакни эшишиб чарчамади.  
*(Давоми 6-бетда...)*

## ОТАСИНИНГ ҚИЗИ

Гулнора ўзининг Forum-вакфи учун Тошкент ҳокимияти биносини тортиб олди. Ҳокимият маҳкумона бир итоаткорлик билан эски Тошкент Шаҳар ижроқўмининг биносига кўчиб ўтди.  
*(Давоми 7-бетда...)*

## ОЧИҚ ЖАМИЯТ ҲАҚИДА ОЧИҚ ФИҚР

Биз, Аллоҳнинг ёрдами билан, Ўзбекистонда очик бир жамият куришга сафарбар бўлганмиз.  
*(Давоми 7-бет)*

## ТОШКЕНТДА МУХОЛИФАТЧИ ЁШЛАР ТАССИЧИЛАРГА ВАРАҚА ТАРҚАТГАНЛАР



Мухолифатдаги Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ўзининг расмий нашри бўлмиш “Эркин юрт” газетасини Ўзбекистон ичидаги тарқатишга мувоффақ бўлганини маълум қилган.

Халқ Ҳаракати хабарига кўра, ҳаракатнинг “Чўлпон” номли ёшлар ташкилоти фаоллари Тошкентнинг Юнусобод мавзесида жойлашган “Мегапланет” тижорат маркази ўнгидаги автомобил ва таксиларнинг ойналарига “Эркин юрт” газетасининг навбатдаги сонини ёпишириб кетганлар.

Газета бош саҳифасида ҳукуматнинг киракашлар ва таксичилар фаолиятига оид янги тартибига бўйсунмаслик чақирифи чоп этилган.

2011 йил май ойида ташкил этилган Ўзбекистон Халқ Ҳаракати ўзининг асл мақсади Президент Ислом Каримов ҳукуматини тинч йўллар билан ағдариш эканини айтиб келади. Унинг раиси Туркиядада истиқомат қилувчи мухолиф сиёсатчи Муҳаммад Солиҳдир.

“Чўлпон” ташкилоти эса жорий йилнинг 16 январида ўзига асос солингани ҳақида баёнот тарқатганди.

“Эркин юрт” газетаси муҳаррири Камолиддин Йўлдош Би-би-си билан сұхбатда айтишича, ёшлар ташкилоти Фейсбуқ ижтимоий мулоқот саҳифаси, ўз вебсайти, ҳамда тўғридан-тўғри амаллари билан мухолифат баёнотларини Ўзбекистонда тарқатмоқда.

“Биз Ўзбекистондаги таксичиларга бўлаётган ҳақсизлик ва адолатсиз ҳақида ёзиб, Халқ Ҳаракатининг уларга чақиришини газетамизда эълон қилгандик, газетамизниң ана шу сонини Юнусободда

тарқатишган. Шов-шув бўлган ана шу жойда, милиция келган: дуч келган одамларни, мардикорларни ушлаб олиб кетган. Ваҳоланки, мардикорларнинг бу акцияга мутлақо алоқаси бўлмаган”, - дейди муҳаррир. Унинг айтишича,

мазкур мухолифатчи ёшларнинг Ўзбекистонда ишлаш услублари “эски услублар”дан фарқ қиласди ва акциялар “горизонтал” равишда амалга оширилади.

“Алоҳида мустакил гурухлар ишлайди, улар бир-бiriни танимайди, ҳаттоқи алоқаси ҳам йўқ.

Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг марказидан туриб координация қилинади”, - дейди у.

Ү ёшлар акцияларини четдан мувофиқлаштириш осон эмаслиги, бирор алоқа жиҳатидан муаммога дуч келинмаганини айтади.

Жаноб Йўлдош акциялар ҳаракатнинг Ўзбекистондаги аъзоларини фавқулодда хавф остига қўяётганига қўшилмайди.

“Хавф ҳаммамизга бор: ҳам ичкаридагилар ва ҳам ташқаридагилар. Ичкаридаги кишилар жуда кўп айтишадки, “ташқарига чиқволиб, бемалол гапириш осон” деб.

Йўқ, бу осон эмас. Мана ўтган иили бизнинг Россиядаги фаолимиз сунқасдага учради, ҳалигача унинг қотили топилмади.

Швециядаги Обидхон қори акага сунқасд бўлди, ҳалигача қотиллик ижрочиси маълум эмас”, - дейди у.

Камолиддин Йўлдош ҳаракатларнинг ортида Ўзбекистондаги бугунги режимни ўзгартириш ғояси турғани ва бу ҳаракатга инсонлар ўз ихтиёрлари билан аъзо бўлаётганларини айтади. “Ичкаридаги ёшлар содда, ким нима деса ишониб кетаверадиган ёшлар эмас, улар олий маълумотли, ҳам дунёвий ва ҳам диний илмларни теран ўрганганди кишилар.”

**ББС радиосининг ўзбек хизмати.**

## МОЛОДЕЖНОЕ ДВИЖЕНИЕ «ЧУЛПАН» АКТИВИЗИРУЕТСЯ В ТАШКЕНТЕ

Официальное издание Народного Движения Узбекистана «Эркин Йорт» получает все большее распространение внутри Узбекистана. В этом оказывает свое активное содействие оппозиционно настроенная молодежь. Сегодня активисты молодежного движения «Чулпан» распространили последние номера оппозиционной газеты возле торгового центра «Мегапланет» в Юнусабаде (Ташкент).

«Сегодня наши ребята вышли, уповая на Всевышнего, и уже не волновались», говорит один из участников акции в беседе нашему корреспонденту в Ташкенте. На первой полосе распространенного издания размещено обращение НДУ к таксистам с призывом восстать против беззакония властей (21-номер газеты «Эркин Йорт» — ред.).

Газету расклеили на такси и автомашинах возле ТЦ. По словам очевидцев, подбежала милиция, подняла тревогу и тут же арестовала бедных мардикеров, которые здесь, как говорится, были «не при делах».

Напоминаем, молодежное движение «Чулпан» впервые заявила о себе в январе этого года, распространив Манифест, где, в частности, говорится: «Расстрел студентов 1992 года был как бы водоразделом: он означал конец той кратковременной «оттепели», которая наблюдалась после объявления независимости Узбекистана... Сегодня нам, кто родился в январе 1992 года исполнилось 20 лет. Мы — наследники той мужественной плеяды молодёжи 1990-х годов — тоже требуем того же — СВОБОДУ».

Страница молодежного движения «Чулпан» на Facebook: <https://www.facebook.com/profile.php?id=100003596233982>

Отдел оперативной информации НДУ

## КАРИМОВ РЕЖИМИ ҚУЛАШ АРАФАСИДА



Каримов режими қулаш учун тайёргарлик кўрмоқда. Америка ва Европа Иттифоқи 2005 йилда қабул қилган ўз санкцияларини бекор қилиб, унга ёрдам бера бошлаганига қарамай; бу ёрдамлар Каримовни юрт ичи ва ташқарисидаги мухолифларга қарши янги репрессияларга илҳомлантираётганига қарамай, мустабид режим қулаш учун тайёргарлигини бошлади.

Бугун режимнинг барқарорлигига ишонган бирорта давлат тизими йўқ. Ўз қелажагига ишонган битта ҳам маъмурни тополмайсиз бу тизимларда.

Улар пораҳўрлик ва коррупциянинг баҳайбат машинасининг кичик мурватлари ўлароқ, фақат бугунги кун билан яшамоқдалар ва ўз чўнтакларини тезроқ, шоша-пиша байтулмолдан тўлдириш учун уннамоқдалар холос.

Яқинда 15 йиллик оғир қамоқ жазосига тортилган давлат маслаҳатчиси Равшан Муҳиддинов Каримов режимиининг Каримовдан бошқа ҳеч кимга бундай жазо олмаслигига кафолат бермаяжагини яна бир марта тасдиқлади.

Айнан шу сабабли яқинда давлатнинг энг муҳим органи бўлмиш иккита ташкилот раҳбарлари ўз вазифаларидан истеъфо қилиш ҳақда аризаларини президентга тақдим этишди. Улардан биттаси Ички Ишлар Вазири генерал Матлубов бўлса, иккинчиси Миллий Хавфсизлик Хизмати Раиси Иноятовдир. Ҳар иккаласи ҳам истеъфо қарорларини касалликлари билан изоҳлашди. Бу каби баҳонанинг самимиятига ҳеч ким кафил бўлолмайди албатта. Аммо Иноятовнинг узоқ йиллардан бери шакар диабетига мубтало эканлиги маълум. Бу касаллик шу қадар хурож олган-ки, яқинда докторлар Иноятовнинг оёғи кесилиши кераклиги, агар кесилмаса гангrena хавфи борлигидан огоҳлантирганини биламиз.

Айтишларича, бу машъум хабар “Тошкент клани” ҳисобланган тұданинг кўзга кўринган лидерлари Шавкат Мирзиёев ва Зелимхан Хайдаровларни қаттиқ саросимага соглан. Чунки бутун ўлкани ўз “қалпоғи” остида тутган ташкилот шефи Р.Иноятов сўнгги йилларда бу икки шахснинг давлатдаги асос таянчи бўлиб қолганди.

Ш. Мирзиёев ва З. Хайдаровлар, агар Иноятов кетса, “парда орқасидаги ҳокимият” ёш, ҳукмронликка ҳирсли генерал, Иноятовнинг биринчи мувонини Шуҳрат Ғуломов (у ҳам Тошкент кланицага мансуб) кўлига ўтишидан қўрқишиди. Боз устига, Ш. Ғуломов “Папа”нинг эркатои Гулнора Каримова билан апоқ-чапоқ бир мақомдаги киши, Гулноранинг бутун майдачуда эҳтиёжларини дарҳол кондирадиган бир учар.

“Парда орқаси”нинг бу маълум персонажлари орасидаги курашни “Тошкент клани” ичидаги курашлар дейиш мумкин. Чунки Фарғона ва Самарқанд “клан”лари бугунги сиёсий-иқтисодий гурухлашувда кўзга чалинмай қолаяпти. Майдонда от сураётгандарнинг аксарияти Тошкент “клан”ига оид. Бугун у кланларнинг энг каттаси. Балки катталиги учун ҳам бу клан 4 парчага бўлинган. Биринчи парча – МХХ раиси Рустам Иноятов, иккинчи парча – Рустам Азимов, учинчи парча – МХХ нинг ёш генерали Шуҳрат Ғуломов, тўртинчи парча – МХХ нинг “Хавфсизлик Бўлими” бошлиғи генерал Ҳаёт Шароффхўжаев етакчилигига фаолият кўрсатмоқда.

“Озодлик” радиосининг хабарига кўра, Равшан Муҳиддиновни Иноятов гуруҳи қаматтирган. Бизнинг тадқиқларимида бу хабар ўз тасдигини топмади. Муҳиддиновга қарши “компромат”ни генерал Шуҳрат Ғуломов тайёрлагани ҳақда жиддий далиллар бор. Бу ёш генерал Муҳиддиновни қаматиш билан Ш.Мирзиёевни клани ичидаги муҳим таянчларининг биттасидан мосуво қилгани энди сир бўлмай қолди.

Ҳа, Каримов МХХ раиси Иноятовнинг истеъфо аризасини қабул қилмади ва у Каримов ва ўз касаллиги исканжасида болға ва босқон орасида каби вазифасини давом эттираяпти.

Ички Ишлар Вазири Матлубовга келсак, у ҳар ҳолда чўқаётган кемадан вақт борида қочиш

пайига тушган. ИИВ ташкилот сифатида МХХ билан рақобатда енгилди, унинг бутун ҳарбий тизимлари ММХ га олиб берилди, яъни мавжуд сиёсий конъюнктурада ИИВ нинг келажаги у қадар ҳам порлоқ кўринаётгани йўқ.

Шунга қарамай, Каримов ИИВ вазирининг истеъфо талабини қондирмади. Ўзбек диктатори вазирга айнан шундай деди: “Мен ҳали ўлганим йўқ, сен ҳам ўлмайсан. бир оз сабр қил, оз қолди”.

Ҳақиқатан ҳам, бироз сабр қилиш керак. Оз қолди. Фақат Каримов ва унинг вазирлари учун эмас, ҳалқ учун ҳам кутиш муддати озаймоқда.

Гарчанд, Тошкент мустабиди ўз ҳокимиятини юмшоқ бир услубда топшириш учун у ўлганда тобутига тепмайдиган, орқасидан тупурмайдиган бир ворис ахтараётиди.

Сўнгги хабарларга кўра, Каримов ўз ворисни танлаган, бу ворис – Рустам Азимов эмиш. Бош Вазирнинг биринчи мувонини Рустам Азимов. Бу киши Ислом Абдуғаниевичнинг фикрига кўра, қизи Гулнорага энг тоқатли ёндоша оладиган тип. Гулнора учун эса бўлажак хукуматда Бош вазир мақоми кўзда тутиляпти.

## ҲАЙДАР ЖАМОЛ: ҲАЛИФАЛИҚ ЁКИ СҮНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИДА ИСЛОМИЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗАГИ НИМАДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Ислом тарихидаги сўнгги халифалик – Усмонлилар халифалиги 1924 йилда тутатилди. Абдулмажид II, бироз аввал сultonликдан воз кечган бўлиб, бироз муддат халифа мақомини саклаб турди ва турк жумхуриятчи(лаикчи)лари босими оқибатида бу мақомдан ҳам воз кечди ва сургунга кетишга мажбур этилди. Ўз тарихининг сўнгги асрларида ҳукуқий жиҳатдан Усмонлилар империяси деб тан олинган худудлар тузланган тери каби торайиб бораётганди. Унинг таркибидан бирин-кетин Шарқий Европа ўлкалари чиқа бошлади (бир вактлар империя таркибига Руминия ва Венгрия! ҳам киради ахир). Аммо факат буларгина эмас, мусулмон диёrlари ҳам Истанбул таъсиридан чиқиб колаётган эди: Магриб ўлкалари, Судан ва Миср шулар жумласидан. Бирок бу ўлкалар империядан чиқиши биланоқ Британия, Франция ва Италия мустамлакаларига айланиб қолаётганди. Халифаликнинг таъсири, албатта империя чеграларидан узок-узокларга узайган эди. шуни айтиши кифояки, Усмонли халифалигининг энг содиқ тарафдорлари Ҳиндистон мусулмонлари бўлди – ваҳоланки, улар нафакат бир ярим аср Англия асоратида эдилар, балки Бобур империяси остида Усмонлилар билан ҳеч қандай алоқаси йўқ эди.

Усмонлилар халифалиги Биринчи жаҳон урушигача етиб келган кесилган ва бузилган шформатида ҳам мусулмонларнинг, ҳеч бўлмаганда империя чегралари ичida қолаётган мусулмонларнинг, тўғридан-тўғри Гарб мустамлакаси ҳукмронлигидан химоячиси бўлиб қолаётган эди. Айнан ана шунинг учун Осиёнинг олд кисмida мусулмонлари ўз бўйинларида Европанинг куллик кишинларини кўрмаганлар. Афсулар бўлсинки, Усмонлилар худудидан ташкарида қолаётганлар, факат ташқаридан тикиштирилган аксил-ислом миллиятичлиги оқибатида турклардан алокани узган мусулмонларни эмас, балки мўғул жоҳиҳларининг босқини натижасида бутун Европа ва Осиё ҳудудларида “эрkin сузуб” юрувчиларга айланишган жуда катта миқдорда бошқа мусулмонлар ҳам бор эди. Буларга Марказий Осиё, Тинч океани Ислом ареали атальмиш ерлар, мусулмон “Қора Африка”, яна ўша маҳаллий ахолининг тинч йўл билан ассимляция бўлишини инглиз босқини тўхтатиб қолган Ҳиндистондаги мусулмонларни ҳам кўшиш лозим бўлади. Мустамлакачи оёғи остига тушиб қолган тупроклар сирасига Кавказ ҳам киради.

Мана шу манзарада, бугун жуда кўпчилик мусулмонлар Ҳалифаликни, шу билан бирга, муқаддас мақомдаги ягона халифани кувватли ва мукаммал ташкил этилган ҳамда барча фуқароларни химоя қилишга кодир империя билан боғлаб, қайта тиклаш лойиҳасини нима учун кўллаб-кувватлаётгани тушунарли бўлади. Ҳақиқатан ҳам тоғутлар оёғи остида яшаш, цивилизацион ва маънавий таҳкирлар, полициянинг доимий тозалашлари, ҳатто мустақил дейилган мамлакатларда яшасант ҳам, ҳар дақиқада америкаликларнинг ёки французларнинг



бомба ва ракеталар ёмғирларини кутиб яшаш бугун мусулмонларнинг жонига ва гашига тегиб бўлдидан ҳам ўтиб кетди.

Дунё империализмининг бугунги ҳаракатлари мусулмонларда Ҳалифаликни тиклашга бўлган сиёсий истагини ҳар доимидан ортиқроқ рағбатлантироқда. Бугун бир қарашда шубҳасиз туюлган теологик тезисларга ижобий қарайдиган мусулмон биродарларимиздан жуда озчилиги реал сиёсат устиди жиддий ўйлаб кўрадилар. Чунки, биринчидан, мусулмонлар реал сиёсат билан шуғулланишга ўрганмаганлар, ба бу соҳа тарафидан банд этилган дея ҳисоблаб, унинг тадқиқотига киришишни истамайдилар. Бирок конунлардан бехабарлик конунларни бекор килмагани сингари, бу масалалар билан шуғулланмаслиқ ҳам сайёрамизда юз берадиган ҳокимият учун курашнинг шафқатиси мантигини бекор килмайди.

Мусулмонлар шунга иттифоқ киладиларки, Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) вафотидан кейин Умматни тўртта ҳулафои-рошидий умумий хисобда 30 йил бошқарганлар. Баъзи олимлар Али ибн Абу Толиб (р.а.)дан сўнгра Ҳасан ибн Али (р.а.)нинг олти ойлик халифалигини ҳам бу хисобга кўшадилар. Ҳасан(р.а.) нинг халифалиги ҳам саҳиҳ бўлган. Бу муддат эса, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ҳадиси шарифларида кўрсатилган муддатта мос келади. Чунки ҳадиси шарифда ҳақиқий халифалик ўттиз йилу олти ой давом этиши ҳақида башпорат қилинган.

Шиалар ҳам, суннийлар ҳам шунга иттифоқ киладики, тарих сўнгиди кутилаётган Маҳдий келади ва ҳақиқий иймон соҳибларининг Дажжолга қарши курашига раҳбарлик килади. Бу ақида Пайғамбар (с.а.в.) суннатига асосланади. Чунки бир жуда қўй ҳадиси шарифларда Маҳдий ҳақида айтildadi ва унинг аниқ аломатлари санаб ўтилади. Албатта, сунний ва шиаларнинг Маҳдий ҳақидаги тасаввурларида баъзи ҳусусий фарқлар мавжуд, аммо шунга қарамай, иккала тарафа ҳам Маҳдийнинг келишига ва уни хатосиз таний олиш мумкинлигига ишонадилар.

Маҳди (арабчада “Ҳидоят этилган”, “Тўғри йўлни тутган”) – ҳулафои-рошидийларнинг охириси бўлади. Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларига кўра, унинг халифалиги замонида “Ер юзи унгача канчалик зулм ва зўравонликлар билан тўлган бўлса, шунчалик ҳақ ва адолат билан тўлдирилади.” Оддий мўминлар орасида, ҳатто жуда покиза хаёт кечираётган ва жуда тўғри

акидага эгаларидан ҳам Маҳдий мақомига номзодни топиш имконсиз: уни умматга Аллоҳ юборади. Шундай килиб, бугун мусулмонлар раҳбари мақомига кимнинг келишиданқатыи назар, у халифа-рошидин бўлолмайди: ёмон шахсият бўлганидан эмас, балки у оддий одамзотидан бўлгани, инсоний ҳатоларга эга бўлгани ва куфр дунёсининг фитналаридан кафолатланмагани учун ҳам ҳақиқий халифа бўлолмайди.

Масалан, бир олим ёки амир десак, минглаб мусулмонлар манфаати унинг зиммасига юклangan бўлади, бу бир ҳолат, аммо Маҳдийнинг Пайғамбарга (с.а.в.) ворислик ваколатларини тан олиш эса барча уммат учун мажбурий бўлади, бу батамон бошқа бир ҳолатdir. Иккинчи ҳолатда, ваколотларни инкор этиш, ҳар қандай узр билан бўлмасин, куфрга сабаб бўлади!

Бугунги шароитда Ҳалифаликни тиклаш ва бутун дунё мусулмонларининг пешвоси деган мукаддас бир мақомга муносиб кишини топиш ва уни сайдаш имконсизdir. Илк ҳалифалар саҳобалардан эдилар ва уларнинг сайданишида Аллоҳ таолонинг қадари ва бевосита провиденциал мудохаласи бўлган.

Демак, бугун Ҳалифаликни тиклаш, энг яхши ҳолатда, таназзул давридаги Усмонлилар халифалигини тиклаш бўлади. Нега айнан Усмонлилар ва нега таназзул даври? Нега энди, масалан, Аббосийлар ва тараққиёт даврини эмас? Чунки, биринчидан, Аббосийлар ҳам рошидий бўлмаганлар ва уларнинг форматига (айтайлик, хижри 300 йиллар) кайтиш, ва бунинг учун тўқилган дарё-дарё мусулмонлар конига арзимайди (ваҳоланки, бу конлар мутлқо тўқилади!) Иккинчидан, аббосийлар даражасига бугун эришишнинг ҳам имкони йўқ, чунки у замонларда Ислом умматига тенг келадиган ракиб йўқ эди, мусулмонлар дунёда энг қувватли жамоа эдилар. У вактларда мўгуллар ҳақида ҳеч ким эшишимаган, Гарб эса тери ёпиниб юрар ва говрон ўйнатишдан бошқа нарсани билмасди. Усмонлининг 19 аср охири ва 20 аср бошларидаги формати бирмунча ҳақиқатга якинроқ, чунки бугун Ҳалифалик куфрнинг ер юзидаги ҳарбий, технологик ва сиёсий ҳукмронлиги вазиятида тузилиши керак бўлмоқда. Бундан қуйидаги хулоса келиб чиқади: Бугунги шароитларда – куфр дунёсининг розилигисиз – Ҳалифалик воқеъликка айланиши (қанийди айланса) мумкинми? Пайғамбаримиз (с.а.в.) ўз дальвати билан келганирида, Аллоҳ таолонинг мадади билан фаолият юритандилар ва шиддатли ички низолар гирдобидаги колган бутун Араб ярим оролидаги қавмларни бирлаштира олгандилар. Бу жараённи, таъbir жоиз бўлса, ўша замоннинг “энг буюк давлатлари” хисобланган Византия ва сононин Эрон “кўздан қочириб” қўйдилар. Улар бир-бири билан уруш ҳолатида эди ва улар хушларига келганди, Аллоҳнинг қудрати билан улар учун кеч эди.

Бугун куфр дунёси, ўзининг асосий душмани бўлган Ислом билан муттасил шуғуланиб келади.

(Давоми кейинги бетда)

## ҲАЙДАР ЖАМОЛ: ҲАЛИФАЛИҚ ЁКИ СҮНГИ ТАРИХИЙ БОСҚИЧИДА ИСЛОМИЙ СИЁСАТНИНГ ЎЗАГИ НИМАДА БЎЛИШИ ЛОЗИМ

(Давоми боши. аввалги бетда)

Шу кунларда Исломнинг ҳаётидан марказида АҚШ ҳарбий базалари бор. НАТО ҳарбийлари Месопотамия ва Мовароуннахр тупроқларини топтамоқда. Олтин динор, мусулмонлар иқтисодини бирлаштириш учун молиявий база шаклига келтирилмаган; Ливияда фуқаролар уруши, нефт терминаллари НАТО дентиз пиёдалари назорати остида. Россия ва Хитой, худди Европа ва АҚШ каби, аксилик-ислом карши уруш катнашчилари. Бундай бир шароитда Ҳалифаликнинг пайдо бўлиши бир нарсани билдириши мумкин: Фарб маълум аниқ шартлар асосида бу лойихага рози бўлган! Аммо у қандай шартлар? Буни яхшироқ англаб етиш учун, “капиталистик куршовдаги алоҳида социалистик давлат” бўлган СССРга Фарбнинг қандай рози бўлганини эслаш лозим бўлади.

Бугун шу нарса маълум ва баҳс-мунозараларга ҳожат қолмаганки, умумжаҳон инқиlobидан воз кечгани ва ҳокимиyатга Stalin келганидан сўнг, СССР жаҳон империализми учун дунёдаги антикапиталистик ҳаракатларни тийиб туриш ва уни пиорвардидаги батамом тутгатиш учун, Жаҳон Системасига ҳаффи бўлғанларни “Кизил имперея” номли геттога жойлатириш учун керак бўлганди. 20-асрнинг 20-йилларида СССР Stalin ҳукмронлиги остида Farbning розилиги билангина вужудга кела олди. СССР ўзининг бутун борлиги мобайнида, жумладан Stalin даврида ҳам, доим Farb билан яширип ҳамкорликда бўлди. Англосаксларнинг (яъни Farbning) кўллаб-куватлашининг бадалини ўтади ва бу бадал 30 миллиондан ортиқ инсон ҳаётি бўлди, ва охир-оқибатда эса АҚШнинг ва уни бошқараётган либерал-спекулятив капитализмнинг ғалабасига олиб келди.

Шу каби тикланмоқчими Ҳалифалик? Зоро, куфрнинг каршилигига қарамасдан Маҳдийнинг келиши фақат Аллоҳ таолонинг тўғридан-тўғри араплашуви оқибатида содир бўлади. Акс ҳолда, ҳар қандай Ҳалифалик шакли бугунги Жаҳон Системасининг узвий (интеграл) бир парчаси бўлиб қолаверади.

Мана сизга моҳиятни очувчи қалит сўзлар: “Жаҳон Системасининг парчаси”! Бугун Жаҳон Системасининг усмониларнинг сўнгги даври шаклидаги ва бошқариладиган ҳалифаликни вужудга келтиришга йўқ демаслигини очик кўриб турибмиз. “Хизбут-Тахrir”нинг Лондондаги ҳашаматли офиси ҳам, Обаманинг Кохиридаги нутки ҳам, Farbning маҳсус хизмат ва маҳсус ҳарбийларининг баъзи мусулмон гурухлари билан ҳамкорлиги ўшандай ҳалифалик тушини ҳақидаги ишончли дараклар деб қабул килиниши мумкин. Бу режалар, бундай ҳалифалик тузиш қайсиidir “rand sorgration”да ишлаб чиқилган йўл ҳаритаси, хозироқ тайёрланаётган бўлиши эҳтимолдан йирок эмас.

Баъзи бир соғдил мусулмон бирордларимизнинг эътирозини олдиндан таҳмин эта оламан, уларнинг тасаввuri ҳақ ва покиза Ислом ҳукмронлиги идеали билан бир каторда зулм ва гуноҳларга ботган Farbning,

айниқса унинг Иблис билан тўғридан-тўғри мулоқотдаги ҳукмрон қисмини тасаввuriга сиғдира олмайди. Афсуски, Farb шундай сүксиз эгилувчан фитналар уюштиришга ўта устомонидир ва у шундай бир ғаройиб юришлар қиладики, оқибатда бизнинг соғдил бирордларимизгина эмас, балки учига чиқкан сурбет сиёсатшунос-экспертларни ҳам лол қолдиради. Бунака ҳалифаликдан Farb жуда кўп бонулар олади. Аввало, бу билан мусулмонларни алоҳида бир сиёсий гетто ёки цивилизацион анклавга қамайди, (хатто икки ё уч айри ҳалифалик режаланганд бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас, худди энг яхши замонларда бўлгани сингари, Боғдодда Аббосийлар билан бир қаторда Курдобода Уммавийлар ҳалифалиги ва Мисрда Фотимиийлар ҳалифалиги мавжуд бўлгани каби). Шундай қилиб, мусулмонлар инсониятнинг бутун тарихи билан ўзаро муносабатда бўлган умумжаҳон марказий куч сифатини йўқотиб, Жаҳон ҳукумати тасарруфидаги буддистлар, конфуцианлар ва америкалик лотино-католиклар қаторидаги шунчаки маданиятларнинг бирига айлантирилади.

Кейин, бу билан мусулмонлар сиёсий ва теологик маънода кескин ва мукобилсиз раҳбариятга эга бўладилар. Бу эса, бир ярим миллиард (бу назарий рақам) мусулмонлар, ягона раҳбарга ва унинг атрофини ўраб олган мужтаҳидларга боғланади. Аслида раҳбарнинг ўзи ҳам улар (бу мужтаҳидлар) устидан ҳукмини юрита олмайди, уларнинг бирортасини алмаштиришга ҳаки йўқ бўлади. Бугун шу нарса маълумки, Farb инсон онгини бузувчи, психика форматини бутунлай ўзгартириб юборувчи, ахлоқий демобилизацияни кишуви даҳшатли технологияларга эгадир. Бу технологиялар воситасида одамзот, оқибатда, бир неча авлод ўтиб, барча ориентирларни йўқотади, ва ўз ота-боболарининг батамом аксига айланади. Мусулмонлар қаршисида бундай ҳавф йўқ, дейиш ўринсиздир: кўз ўнгимизда Туркия мисоли бор (мустамлака этилган собик СССР мусулмонларни айтмаса ҳам бўлади). Туркия – ҳалифаликнинг маркази – Мустофа Камол ва издошларининг марказлашган ҳукмронлиги остида бир авлод ўтиши билан араб имлосидан воз кечди, турк тили шунчалар ўзгартириб юбордикли, бугунги мактаб ўқувчилар боболари тилини тушуна олмайдиган бўлиб қолди (авлодлар орасидаги уйгунилники йўқотиш, куфу сиёсий психологларининг асосий максадларидан биридир); Туркияда кучли либерал – даҳрий(атеист)лар синфи юзага келди, ва имон келтирган ҳалкни 80 йил ўз уйларида қамаб ўтирилар; ижтимоий ҳаётда бугунги Ислом факторининг “тикланши” эса, ҳалқ оммаси истай оладиган минимумдан муддиши даражада узоқdir. Шунга қарамасдан ҳам баъзилар тарафидан кувонч билан қабул килинса, бошқалар тарафидан низо ва таҳлика ўлароқ кўрилмоқда. Туркия мисоли шуни кўрсатадики, 600 йил сиёсий Исломнинг мустаҳкамояси хисобланган бир мамлакатда қандайдир 60 йиллар ичida цивилизацион ички курилма(матриаси)ни ўзгартириб юбориш уччалик ҳам қийин эмас экан. Бунга сабаб, мамлакат марказлаштирилган

ҳокимиyатга бўйсундирилганлиги, ҳокимиyат эса тўлалигича Farb тарафидан бошқарилиши эди.

Умматни – башариятнинг тўртдан бирини ташкил этган кишиларни – Шайтоннинг инсоният ичидаги қўли бўлмиш Farbning жуда катта уринишларига қарамай, онг бузилиши ва қайта шаклантиришидан саклаётган омил, бугун мусулмонлар ягона манбадан назорат қилинмаётганидир. Улар гўёқи бир денигиздир, куфрнинг барча руҳий хуружлари худди “ғалвирда сув олиш”дай бўлиб колаяпти. Энди Ҳалифалик лойихаси эса, душманни ожиз қолдирувчи мана шу буюк денигизнинг сувли стихиясини яхлаб колган муз палахсага айлантиришдан иборатдир, чунки у муз палахсаси учтида истаганча зулм ва маъсиятларни кесиб олавериш мумкин.

Жуда кўп мусулмонлар, Ислом учун буғунги Жаҳон тизимининг бир парчаси бўлиш жуда катта шармандалик ва жиноят эканини англаб етмайдилар. Зоро, Тавҳид Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг жамоасига қадар ягона максад билан: Шайтон(Иблис) га қарашли бўлган Жаҳон тартибини бартараф этиш учун нозил қилингандир.

Аллоҳ таоло Куръони каримда: “Ҳар бир шаҳарда катта жиноятчиларни унда макр қилиш учун кўйиб юбордик. Улар сезмаган ҳолда факат ўзларига ўзлари макр қилидилар, холос.” (Анъом:123) дея буюрган бўлса, бошқа бир жода эса, қийин тушиниладиган бир оядда Аллоҳ таоло, “Парводигорингизга ва Унинг Расулига, ва иchlарингиздан амр эгаларига бўйсунинглар” (Нисо:59), каби буюргандир. Амр, Сиёсий Исломнинг ички ташкиларни ғарас ният билан таржима ва талқин килгани сингари “Ҳокимиyат” маъносига эмас (уларнинг талқинича, черков христианларни нималарга ўргатса, Қуръони карим ҳам шуни ўргатади: “Ҳар қандай ҳокимиyат – Худодан”). “Амр” бу контекстига қараб, “бўйрук” ёки “иш” маъноларини берувчи қалимадир.

Хулафои-рошидийлар – Абу Бакр, Умар, Усмон, Али (розияллоҳу анхум) “амр”, яъни “бўйрукка” эга эдилар. Улар саҳоба бўлғанлари учун Расууллоҳ (с.а.в.)нинг шахсан ўзларидан бу ваколатни олгандилар. Ана шундай “бўйрукка” Маҳдий ҳам эга бўлади, у буни Яратувчининг бевосита ўзидан олади. Үнгача, орадаги муддатда, яна-да оддийроқ айтсақ, Маҳдий келгунига қадар, бизнинг замонамизда биз “иш” эгаси бўладиган жамоат амирларига итоатда бўлишимиз лозим бўлади. Бу “иш” – сиёсий Исломни тўғри англашга асосланади ва Маҳдийнинг келишига муносиб жамоа бўлиш учун Глобал адолатсизлик, тубанлик ва ўғрилик тизимига қарши ҳар жабҳада курашишдан иборат бўлади. Яъни бу “иш” у зот (Маҳдий) келганида, Қиёмат олдидан, барчамиз вафот этиб, Аллоҳ таоло ҳузурида қайта тирилишимиз олдидан, бутун коинотни адолат билан тўлдириши ҳақидаги Пайғамбар (с.а.в.) ҳадисларининг рӯёбга чиқиши йўлида харакат қилишимиздан иборат бўлади.

**Ҳайдар Жамол**

## ҚУДДУС ҲИМОЯСИГА МИЛЛИОНЛАР МАРШИ



Исроилдаги Сионистик режим неча йилдирки Исломда мұқадас хисобланған ал Ақсо масжиди жойлашған фаластин шаҳары Құддуси Шарифни күч билан қароқчиларча босиб олиб ихота қилип турибди. Ақсо Масжиди ҳам Исроил ҳукумати томонидан ёпіб күйилған. Фаластиналык мусулмандар шу йилнинг 30 марта шу босқинчиликка карши норозилик сифатида миллионлар Марши юришини режалаштираяпдилар. Фаластин инфо сайты тарқатған хабарига кўра бу акция ташкилотчилардан бири Рабхи Халим матбуотта берган билдиришида, бу акцияда 80 та мамлакатдан 2 миллионга яқин мусулмандар ва мусулмон бўлмаган хайрихолар иштирок этишини маълум қилди. Жумладан Сионистларга қарши АҚШдаги яхудий раввинлар ташкилоти вакиллари ҳам иштирок этишади. Рабхи Халимга кўра намойишлар асосан Фаластин атрофидаги араб мамлакатларида бўлиб ўтади.

Газодаги Фаластиналык уламолар ассоциацияси раиси доктор Салим Салом Құддусни босиб олинишига қарши бу норозилик намойишига имкон қадар барча мусулмандарни қатнашишга чакириб, кимки бу босқинчилик қонуний деб тан олса Яратганинг эслатмасига қарши чиқкан одам хисобланади деди. Биз ҳам сионистик режимни барча жиноятларига жумладан Құддуси Шарифни босиб олинишига ўз норозилимизни билдирамиз. Ва бу каби босқинчиликга дунё жамоатчилиги БМТ ва Араб лигасига аъзо давлатлар жим турмаслигига ва Халқаро қонунларга мувофиқ, босқинчи сионист режимига чора кўришига чакирамиз. Исроилни бу каби жиноятлари кораланиши ва бунга чек қўйилиши лозим.

Биз шунингдек, Миллионлар Маршига чиқаётган биродарларимизга улар билан ўз бирдамлигимизни изхор киламиз.

Аллоҳу Тъяло Құддуси шарифни ўз эгаларига Фаластиналык мусулмандарга қайтаришини дуо қилиб қоламиз.

*M. Абутов.*

## “ЎЗБЕКИСТОН КЕЛАЖАГИ БУОК ДАВЛАТ. КЕЛАЖАК ЎЗИ ҚАЧОН КЕЛАДИ ?

Юқорида зикр этилган “Ўзбекистон-келажаги буюк давлат” ибораси 22 йилдан бўён ҳукм сурәттган жаноб Каримовнинг режимины асословчи соxта афоризм бўлиб келмоқда. 22 йилдан бери Узбекистон ҳалқи мана шу чўпчакни эшитиб чарчамади. Бутун давлат ҳудуди мана шу шиор билан “безатилган”, телевидение ва радио орқали деярли ҳар соатда янграйди, ҳар бир газета сонида мана шу сўзлар қайд этилади, ва жаноб Каримовнинг ҳар бир жилдлик китобида қайтадан ёзилади. ҳаттоқи, айтиладиган расмий аллаларга ҳам шу сўзлар кўшилган.

Аммо А. Орипов таъбири билан айтганда “такрор айтилганда рангизидир калом”. Чунинг учун ҳам бу сўзларнинг қадри кундан кунга тушб бормоқда.

Гоҳида ўйлайман, келажак бу нима? У қачон келади? ёки у саробми?

Келажак агар 10 йил бўлса, жаноб Каримовга 1990-йилдан 2000-йилгача мутлақ ваколат берилди. (Тўғрироғи берилмади, олинди) бироқ натижа қани? Агар келажак 20йил бўлса, мана 22 йил ўтди! Натижа йўқ. Кўпчиликнинг кўзи ялтироқ нарсаларга ўч бўлади. одамлар, сиз кўраётган айrim курилган биноларни қуриш учун аслида бир йил ҳам кўплик қиласи.

Таққослаш учун айтишимиз мумкинки, Сингапур мустақил бўлганидан 25 йил давомида (1965-1990) юксак ривожланиш дараражасига етди. Аҳоли жон бошига даромад тақсимоти бўйича дунёда 9-уринга чиқди. Тўғри бунга айrim объектив ва субъектив омиллар ҳам таъсир кўрсатган. Бироқ мен ишонаманки, барча нарса тўғри бошқарув усулига боғлиқ.

Хулоса ўрнида демоқчиманки, чолда юрган одам саробни кўрса, унга етишга ҳаракат қиласи. Охир унинг сароб эканлигини барibir англаб етади. Дўйстлар, биз ҳам 22 йил келажакнинг орқасидан юрдик изладик, лекин топмадик.

Энди ишониш керакки, бу сароб, шунчаки, олис келажак ҳақидаги ўй.

Сўнги сўз: узоқдаги ҳолвадан қўл етадиган нон яхши...

*Зиё угли*

## ЎЗБЕКИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ 2015 ЙИЛГА ҚОЛДИ



Ўзбекистонда президентлик сайловлари 2015 йилга қолдирилди. Ўзбекистон парламентининг юкори палатаси-Сенат жума куни президентлик сайловлари санасини 2014 йил декабридан 2015 йилнинг биринчи ярмига кўчириш ҳақидаги ўзгаришни маъкуллаган. Конунчилар ушбу карорни президент сайловларининг парламент сайловлари билан тўқнаш келмаслиги ва сиёсий партияларга сайловларга тайёргарлик кўриш учун кўпроқ вақт бериш билан тушунтирганлар. Хабарларга кўра, қонун лойиҳаси Президент Ислом Каримов томонидан тавсия қилинган ва уни Сенатнинг Конунчилик ва Суд-хуқуқ қўмитаси раиси Светлана Ортикова тақдим этган.

Франс-пресс хабар агентлиги Ортикова хонимнинг “сиёсий партиялар президентликка номзодларни илгари суришади, шунинг учун президентлик сайловларини парламент сайловларидан кейин ўтказиш максадга мувофиқдир”, деган сўзларни келтирган.

Президент Каримов 2010 йил нояброда Конституцияга парламентга кўпроқ ваколатлар берини назарда тутувчи ўзгаришиларни таклиф этган ва улар парламент томонидан маъкулланган эди.

“Концепция” дея тақдим этилган ўзгаришларга мувофиқ, жумладан, парламент мамлакат бош вазирига ишончсизлик билдириши мумкин. 2011 йил декабрида эса Сенат президент ваколатларини 7 йилдан 5 йилга кискартириш ҳақидаги ўзгаришни маъкуллаган.

74 ёшли Президент Ислом Каримов Ўзбекистонни қарийб чорак асрдан бўён бошқариб келади.

У охирги марта 2007 йил декабрида 7 йилга сайланган.

Оврўпода Хавфисизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Ўзбекистондаги сайловларни ҳеч қачон эркин ва адолатли деб тан олган эмас.

Охирги ўзгариш Президент Каримовнинг эҳтимолий меросхўри борасидаги фаразлар кучайган пайтга тўғри келмокда.

Шу хафта интернетда Ўзбекистондаги турли сиёсий гурух ва маҳаллий кланлар орасида хокимият учун пинхона курашлар кучайгани ҳақидаги маколалар пайдо бўлган.

## ОЧИҚ ЖАМИЯТ ҲАҚИДА ОЧИҚ ФИКР



“Очиқ жамият” калимаси ўз мохиятида факат ижтимоий-сиёсий эмас, балки, биологик мазмун ҳам ташийди. Жамиятнинг ижтимоий-сиёсий хаёти ҳам худди баъзи озука маҳсулотлари сингари ташқи таъсирга тобе ва таъсирчандир. Усти ёпик озука маҳсулотлари моғор босиб, бижғигани каби ёпик жамиятлар ҳам ҳавосизликдан бижғиб, бузилади. Усти ёпик масканлар микроблар учун бир жаннат кабидир. Бугун биз ўлкамизда жамиятнинг устини ўз зулми ва нафси билан ўртиб, бу ўрти тагида жамиятни кемириб ётган минглаб микробларни кўришимиз мумкин. Энди бу зулм ўртисини итқитиб ташлаб, бу микробларнинг юзини очиш, уларни фош қилиш, уларни Адолат күёшининг нурлари остида кўйдириш фурсати келди.

Факат “очик жамият” калимаси баъзи дўстларимизни чўчитмаслиги лозим, зеро, “очик жамият” билан “очик бош” ёки “очик елкалар” бир нарсани англатмайди. Агар бир нарсани англатганида эди, “ёпик жамият” хисобланган Ўзбекистонда аёлларнинг бошидан хижоблар юлиб олиб ерга топталмаган ва аксинча, “очик жамият” деб хисобланган Гарб мамлакатларида мусулмон аёллар эса, бемалол хижобда юрмаган бўлардилар. Худди шунингдек, “очик қалб” тушунчаси ҳам “очик сийна” мазмунини англатмайди.

“Очиқ жамият”, энг аввало, “очик кўз” ва “очик қулоқлар”дир. Аммо биз зулм салтанатининг жосулари “кўз-кулок”ларини назарда тутаётганимиз йўқ. Атрофни кўрувчи “очик кўз” ва атрофни эшитувчи “очик қулок” бутун жамиятнинг, айниқса, ҳокимиядаги одамларнинг бош хислатларидан бири бўлиши лозим.

Норвегиянинг жанубий қисмидаги

шаҳарчалардан бирида яшовчи домла Абдулла Абдураззок ака менга маҳаллий йўл инспекциясига ўзининг киритган таклифи билан шаҳардаги айрим йўл коидаларига ўзгартирishлар киритилгани ва ҳатто шаҳар марказидаги қамоқхона ҳам унинг маҳаллий бошқарув маймуриятига киритган таклифидан сўнг бошқа жойга кўчираётгани ҳақдаги ғаройиб воқеаларни гапириб берди. Очик жамиятдаги “кўрувчи кўз” ва “эшитувчи қулоқ” қа доир бундан ҳам ибратлироқ мисол топиш мумкини? Ҳалқнинг дардларига тинглашга қулоғи кар, жамиятнинг ахволини кўришга кўзлари кўр ҳокимиятдан ҳам ёмонроқ нарса борми?

Хар пайшанба куни Норвегия парламентида “очик эшиклар куни” хисобланади, бу куни истаган ҳар ким Парлament биносига ва ҳатто парламентарлар мажлис ўтказаётган залга кириб, у ерда мажлис жараёни кузатиши ва мажлисда айтилаётган гапларни юқоридаги балконларда ўтириб тинглаши мумкин. Бу – очик жамиятдаги оддий бир кўринишdir. Шунингдек, мамлакатдаги ҳар бир инсоннинг, шу жумладан, давлат бошлиқларининг даромадлари ҳақдаги маълумотларни ҳам истаган одам олиши мумкин. Бундай очик жамиятда Ўзбекистон ҳокимияти тепасида ўтирган ўғрибошилар сингари ҳалқнинг миллирад-миллиард пулларини ўмарib, тагига босиб ўтиришнинг сира имкони йўқдир.

Дунёнинг энг қабиҳ жиноятлари хуфиёна, ёпик эшиклар ортида амалга оширилади. Ошкоралик энг катта зулм империяларини ҳам қисқа вақт ичida маҳв этиши мумкинлигини биз яқин ўтмишимизда кўрдик. Очиклик, ошкоралик давлат тепасига чиқиб олиб, жамиятимизни кемириб ётган микроблар учун кўёш нурлари каби ҳалокатлидир. Уларнинг сўз эркинлигидан кўркуви сабаби ҳам шундадир.

Биз, Аллоҳнинг ёрдами билан, Ўзбекистонда очик бир жамият қуришга сафарбар бўлганимиз. Бу очиклик, Ўзбекистонда бугун кўриб турганимиздек, бузукликка, фахшга ва жиноятларга қаратилган очиклик эмас, балки, иймонга, яхшиликка, тенглика, миллий қадриятларимизга қаратилган очиклик, бўлади, иншооллоҳ.

**МАҚСУД БЕКЖОН,  
ЎҲҲ Норвегия бўлими раиси**

## ОТАСИННИГ ҚИЗИ



Ўзбек мустабиди Каримовнинг қизи Гулнора ўзининг Форум-вақфи учун Тошкент ҳокимияти биносини тортиб олди.

Ҳокимият маҳкумона бир итоаткорлик билан эски Тошкент Шаҳар ижроқўмининг биносига кўчиб ўтди.

Гулноранинг вақфи эса ғолиблар тантанаси билан ҳокимиятнинг ҳашаматли биносини ишғол этди. Гулнора бу орада “Папа”си эълон этган “Бахтили оила йили” га бағишилаб вилоятларда мингта жуфтни уйлантиришга ва келинчакларнинг ҳаммасини ўзининг “Гули” брэнди кўйлагини кийдиришини эълон қилди.

Лекин... отасининг қизи отасидан узоқ кетмади: у тўйларнинг ҳаражатини тўлашни отасининг вассаллари – ҳокимларга, ҳокимлар эса фермерлар ва бизнесменларга юклади. Гулнора кўйлакларнинг ҳам йўлини топди.

У кўйлакларни йирик тўй салонлари соҳибларига топширди. Улар бу кўйлакларни тайёрлар экан, Гулнора ва унинг “Папа”сига юксак овозда лаънатлар ёғдирмоқда.

Ота ва Қиз бу лаънатларга парво қилмасдан набира Исломнинг (Гулноранинг ўғли) туғилган кунига кимни неча юз минг еврога таклиф қилиш ҳақида бош қотирмоқда. Андреа Бочелли 800.000 еврода бу туғилган кунга келишга рози бўлди. Бу пул давлат бюджетидан тўланди албатта.

Албатта, бу пул Гулноранинг Вақффоруми учун тўланаётган пул олдида арзимаган миқдордир. Давлат тарафидан таъминланаётган “Вақффорум” бюджети Маднаният ва Спорт Вазирлиги бюджетидан 4 марта кўпдир.

**Тошкентдаги муҳбиримиз**



## РАИСЛИК БАДАЛИ

билимаганлар авлодидан эдик. Шу маънода, “раислик бадали”ни раис бўлмасдан аввал тўлай бошлаганимни эътироф этмоқчиман.

1983 июн ойи. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида мунаққид Иброҳим Ғафуров каминага хитобан “Шеърингизни тушунтириб беринг”, деб мақола ёзди. Ҳолбуки, мен шеърларни одамлар тушунмасин, деб ёзганим йўқ эди. Аксинча, тушунсин ва дунёни мен каби кўрсинг, деб ёзгандим. Аммо замон “Ғафуровлар” замони эди, камина социалистик реализмга зид бўлган кайфият – тушкунликда айбланди. Бу норасмий ва илк айбнома эди. Мен шу кундан бошлаб “норасмийлар” (“неформалы”) шажарасининг “пionери” бўлдим. Ва қора рўйхатнинг илк қаторларидан “муносиб” ўрин олдик. Китобларимиз нашриётларда тўхтатилди. Ортимизда илк бор КГБ “исковучлари” пайдо бўлди.

### Бу ҳам бир бадал эди, кичик, аммо – бадал.

1984 куз ойида ЎзКомпартия тарафидан бошланаган миллий қадриятларга ҳужумга қарши норозилик мактубига имзо тўплаш учун майдонга чиққанимизда бутун давларнинг маддоҳ шоири А. Ориповнинг ” бу олифталарга нима керак ўзи, Ленин бобо ўрнидан туриб таъзим қўлсинми буларга? ” деган дашномларига нишон бўлдик. Кун тартибига Ёзувчилар Ўюшмасидан ўчириш масаласи кўйилди. Бу ҳам бир бадал эди. Кичик, аммо – бадал.

1988 йил “Бирлик” ташкилоти тузилганда, унга исм берган ва унинг илк дастурини ёзган камина эди. Аммо бу ташкилотга раис бўлмаслики учун ўзим яхши танимаган биттасини раисликка таклиф қилган ҳам мен эдим. Уни раисликка ўтказиш учун дўстларимга қайсиdir маънода тазиик этганимни ҳам тан оламан. Сўнgra, йиллар давомида бу кимсани “Бирлик”ка раис қилганликда айбланиб, ҳакоратларга нишон бўлаётганимизни ҳам кўпчилик яхши билади.

### Бу ҳам бир бадал эди.

Умрим тақвимига қараб мавзуга оид яна бир-неча ҳодисани эслайман. 1999 йил феврал портлашларининг менинг зиммамга юкланганига ягона сабаб – менинг режимга муҳолиф жамаога раҳбарлигимдир. Бутун халқни жунбушга келтириб, баъзи

маҳаллий муллаларга бизни қарғаб хутба ўқитган ўзбек диктатори бу билан каминага “раислик бадалини” тўлатди.

Укаларим Комил, Мухаммад ва Рашид Бекжонларни хибса олинниб, йиллар давомида қийноқларга тутилгани ҳам айнан шу мезондаги “бадаллар” дан биттасидир.

Хукуматни тушуниш мумкин, майли, унга биз ўз танлаган йўлимиз учун “бадал” тўляяпмиз. Бу биз учун табиий бадалдир. Душманга курашиш принципи осон: ё фозий ё шахид. Аммо дўст бўлиб, гўё сен билан бир ғояга хизмат қилишга бел боғлаган кишилар билан “курашиш” энг оғир вазифа. Энг оғир бадаллар тўлашга мажбур қилган воқеъалар ҳамиша ўз сафларимиздан келди.

### Ўтмишга қараб, бир-нечта нуқтани эслайман:

Сана 1992 йил 5 май. Ўзбекистон Президентлиги курсисида ноқонунний ўтирган киши каминани ҳузурига чакириб, “Ўзбекистон Демократик Кучлар Форуми” номи остида тўплланган мухолифатни тарқатиб юбориш эвазига, давлатдаги энг катта икки лавозимнинг биттасини олишини ва ЭРК партиясига бир-нечта вазирлик беришини таклиф қилди. Мен бу таклифни рад қилдим. Бу рад жавобининг аввало ахлоқий, сўнgra сиёсий сабаблари бор эди. Ахлоқий сабаби – ғоямизга ва шахсимизга ишониб, зулмга қарши курашда бир байроқ остида тўплланган биродарларимнинг иродасини, канчалик юксак бўлмасин, ҳеч кандай лавозимга сотаолмасдим. Сиёсий сабаби – энди мустакиллигига эришган ёш давлатда илк қадамдан бошлаб бир хур ўлканинг конун-қоидаларини хукмрон этиш ва бунга эндинга қулликдан чиққан миллатимизни кўнигириш каби вазифа турарди олдимизда.

Аммо бу қароримиздан сўнг баъзи сафдошлар “хукуматнинг ичига кириб олиб, партиянинг кассасини тўлдириш керак эди, раисимиз сиёсатни билмайди”, қабилидаги ғийбатлар бошлади. Уларга мен “китобда эмас, реал ҳаётда умум манфаатни ўз манфаатимиздан устун қўйиш” учун бу қарорни бердик, деб олмадим. Дея олмаслик, ўз эътиқодингни оқлай олмаслик азоби бадалларнинг энг оғиридир.

1994 йил. Сургун ҳаёти. Ўзбекистон хукумати талаби билан оиласиз Турсиядан бадарга қилинди.

*(Давоми кейинги бетда)*

Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг сўнгги мажлисларидан биттасида бирордарларимиз Ҳаракатга бир йилда бир марта тўланадиган озгина миқдордаги аъзолик бадалини бир йил муддат ичидан тўламаган аъзоларнинг ҳаракатдан чиқарилиши ҳақида масаланинг кун тартибига қўйилишини истадилар. Ўтган йили ЎХХ Муассислар Мажлисининг биринчи йиғилиши шунга қарор қилганди. Бу талаб қўйидаги мақолани ёзишга туртки бўлди.

“Ҳаракат аъзолари майли, сенчи, сен бу ҳаракатнинг раҳбари сифатида бадал тўлаяпсанми”, деб, ўзимдан сўрадим. Чунки жамиятникими, фирмәнникими, ширкатникими – фарқи йўқ, раисликнинг ҳам бир бадали бор. Бу бадал нафақат мoddий бадал балким, унданда анча оғирроқ ва машаққатлироқ бўлган маънавий руҳий тўловдир. Энг оғир бадал бу – бир мамлакатнинг золим ҳукмдорига қарши қўнгилли равишда тўпланган бир жамоа(мухолифат)нинг раиси тўлайдиган руҳий бадалдир.

Чунки бундай раис бир тарафдан ўша золим ҳукмдор зулми, иккинчи тарафдан ўша “қўнгиллилар” ўртасидаги ихтилоф ва рақобат ичидан яшашга маҳкум. Золим ҳукмдор тарафидагилар ўша раисни мамлакатни бошқарувини ноқонунний равишда ўз қўлига олишга интилаётганингда айласа, “қўнгиллилар” уни мамлакатни бошқарувини ҳали ҳам қўлга олмагани учун айбрайдилар. Боз устига, уни “ҳокимиятда 20 йил ўтирган” ўша золим ҳукмдор билан тенглаштирадилар.

### Бу раисликнинг бадалидир...

Камина сиёсатга ўз ихтиёри билан кирган бир инсон эмаслигимни хотираларимда ёзгандим. Табиатан аксилсиёсатчи эдим. Совет даврида Совет сиёсатчиларига қарши мақолалар ёзиб, ўзимизнинг сиёсатга кириб колганимизни

## РАИСЛИК БАДАЛИ

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Биз билан Туркияга келиб, мухолифат ёрлигини олган, биз билан битта нонни бўлиб еган кимсалар биз Туркиядан чиқарилгандан сўнг Туркия давлат тизимларига бизнинг “ислом фундаменталистлари” эканлигимизни айтиб, чақимчилик қилгандари, бу ҳам етмагандай, қолган умрларини бизни ёмонлашга бағишилаганлари ҳам бизнинг тўлаётганимиз навбатдаги бадалдир. 2003 йилда “ЭРК партияси раислигига бошқа бировни сайланглар, мен чеккага чиқсан, балки ҳукумат зулмни камайтира” дедим, ташкилотнинг Бош котибида. Аммо, у ”унда партия тамоман йўқ бўлади, одамларни эргашадиган шахс йўқ ичимизда”, дея таклифимни қабул қилишмади.

Шу аснода МХХ Самад Мурод деган бир сафдошимизни ишга солиб, “ЭРКнинг янги канотини” тузди, аммо бу тадбир уч кун ҳам яшамади, Шунда МХХ “М.Солих бир давлатдан 6 миллион пул олиди, пулни О. Арипов билан бирга еб ётишибди”, деган мишмиш тарқатди ва бу тухматга ҳам ўз ичимизда ишонганлар чиқди ва уларнинг бу ёлғонга “ишончи” биз учун навбатдаги бадалга айланди.

Якинда “Мухолифат Бирлашувилининг олдига тўсик қўиди” деган, айловга дучор бўлмаслик учун зехният нуқтаи назаридан бир-бирига умуман зид инсонларнинг бир ерга тўпланишига каршилик қилмадик, уларнинг ичидаги мутлақо фитна чиқишини тажрибадан билган ҳолда, жараёнга мудоҳала қилмасдан, масалани вақтга ҳавола этдик.

Вақт бизни тахминни ҳақга чиқариб, бир-бирига руҳан ёт инсонлар жамоадан айрилганида, бундан қувонмадик, тишни-тишга босиб йўлмизда давом этдик. Бу сабр-тоқат ҳам биз тўлаётган навбатдаги бадал эди.

Бу сабрни имтихон қилиб, Ҳаракат фаолиятида ойларча кўринмай, бирдан пайдо бўлиб, бизни диктаторликда айبلاغаларга ҳам сабр қилаяпмиз. Бу ҳам давомли тўланаётган кичик, аммо бадал категориясига кирадиган “тўлов”лардир.

Агар бу каби катта-кичик тўловларни вақтида тўлаш имкони бўлган битта қаҳромон чиқиб, бизни бу заҳматли “тўловлар”дан куткарса, унга факат раҳмат айтардим.

*Муҳаммад Солих*

## ЖАНУБИЙ КОРЕЯ СИЁСИЙ БОШПАНА СЎРАГАН ЎЗБЕКНИ МХХГА ҚАЙТАРИБ БЕРДИ

Жанубий Корея расмийлари сиёсий қочқин мақомини олмоқчи бўлган ўзбекистонлик тақводор мусулмонни Ўзбекистонга депортация қилдилар, дея хабар беради Eurasianet Advocates for Public Interest Law адвокатлик фирмасида ишловчи адвокат Чен Чул Кимга таянган ҳолда. Кимга кўра, ўзбекистонлик ватанига қайтган тақдирда расмийлар томонидан диний фаолияти учун таъқибга учраши ва қийноқларга солинишидан хавотирланган. Унинг рафиқаси ва икки қизи айни пайтда Сеулда истиқомат қилаяптилар ва уларнинг виза муддати тугамаган.

Бу одамнинг сиёсий бошпана сўраган аризасига 21 март куни рад жавоби берилди, ўша куни ёк уни Ўзбекистонга депортация қилиш тўғрисида кўрсатма берилди.

Аммо ўзбекистонлик аризага биринчи инстанциядан рад жавоби олганидан бошлаб икки ҳафта давомида Жанубий Корея адлия вазири номига апелляция шикояти беришга ҳақли эди. Кимга кўра, унинг адвокатлик фаолияти давомида шикоят қилиш ҳуқуқига эга қочқинни ватанига депортация қилинишининг биринчи ҳолати бўлди.

Адвокатга кўра, Инчхон аэропортида қочқинни ватанига олиб кетиш учун Ўзбекистон расмийларининг икки вакили кутиб олди. Жанубий Корея ўзбекистонлик қочоқларни биринчи марта депортация қилаётгани йўқ. 2011 йилда тадбиркор Абдулла Рабиев ҳам исломий ташкилотга мансублиги учун таъқиблардан қочиб шу мамлакатга келганди. У қочоқлик мақомини сўраб расмийларга қанча кўп мурожаат қилмасин, ҳар сафар рад жавобини олди.

Ким депортация қилинган ўзбекнинг на таржимаи ҳолини ва на исмини очиқлаган. У Сеул ва Тошкент ўртасида иқтисодий алоқалар кучайиши ортидан янги-янги дпортацияларни кутиш мумкинлиги борасида хавотирланмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН ҚЎШНИЛАР БИЛАҶ БОҒЛОВЧИ ТЕМИР ЙЎЛНИ БУЗИШГА КИРИШМОҚДА

Ўзбекистон Тожикистоннинг Хатлон вилоятига олиб борувчи Ҳашади-Амузанг темир йўл участкасида йўлларни бузишга киришиди.

Азия-плюс хабар беришича, бу хабарни “Тожикистон темир йўллари” Давлат унитар корхонасида тасдиқладилар ҳамда бажарилаётган ишлар ҳажми тўғрисида аниқ маълумотга эга эмасликларини қайд этдилар. “Шундай қилиб, Хатлон йўналишида поездлар ҳаракати имкониятсиз бўлиб қолмоқда”, - дея билдирилар темир йўлчилар “Авеста” ахборот агентлигига.

Тожикистон томонига кўра, ўзбек темир йўлчиларининг ҳаракатлари конунга зид: ушбу участка расман фаолият юритаётган саналади, уни бузиш тўғрисида ҳеч кандай қарор қабул қилинган эмас. Шунинг учун ўзбекистонлик темир йўлчилар уни бузишдан аввал тожикистонлик ҳамкасбларини огоҳлантиришлари керак эди. Норасмий маълумотга кўра, Ўзбекистон томони Амузанг станциясини чегарага кўчирмоқчи.

Эслатиб ўтамиз, ўтган йили 17 ноябрга ўтар тунда содир бўлган портглаш натижасида темир йўл кўприги бузилган. Ўшандан бери ушбу участкада поездлар ҳаракати тўхтаган. Ўзбекистон томони 2012 йил январь охирида темир йўлни таъмирлаш ишларини бошлаб юборгани ҳақида қўшни мамлакатга билдириб қўйди.

Тожикистонлик мутахассисларга кўра, бундай кичкина кўприкни бир-икки кун ичидаги тузатиб юборса бўлади. Тожикистонда кўприкда теракт содир этилганига ишонмаяптилар ва ушбу участканинг ёпилиши тўғрисидаги қарорни сиёсий ҳарактерга эга дея ҳисоблаяптилар.

Ўзбекистон 4 марта бошлаб Тожикистон ҳудуди орқали юклар транзитини тўхтатиб қўйди.

Аввал Сўғд вилояти орқали Фаргона водийсига ёқилғи-мой материаллари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиларди. Аста-секин Ўзбекистон темир йўл орқали олиб ўтилаётган юклар ҳажмини камайтириб, уларни факат “Камчиқ” довони орқали етказа бошлади.

## ЭЛ БҮЛИНГ, ЎЗБЕКЛАР!



Ўзбекистонда нима ўзгаришлар бўлади ва мамлакат тараққиётнинг қайси йўлини танлайди? Сиёсий ўзгаришларчи. Улар содир бўлармикан? Жумбоклик Ўзбекистонимизнинг жумбок президенти Ислом Каримов яна бир янги найрангни бошлаган кўринади. У жуда талтайиб кетган ва уни бунчалар талтайтириб юборган аслида Ўзбекистон халқидир. Ҳар қачон бўлсин, “кагтала билади” дея ўз фикрини айтишдан ҳам кўрқадиган, ана ўша кагталарага хуш ёкишни кўзлаб лаганбардорликдай жирканч бир туйфуни ўзига ошно қиладиган қора халқимиз бугунги муаммолар учун замин яратиб берган эди. 2007 йилда Ислом Каримов еттий ийллик муддатга президент этиб сайланди. Аникроғи, у ўз ўзини тайинлади. Буни қарангки, у кишининг бу қарорини ҳам мақтаб мамлакат келажагини кўзлаб қилинаётган олий мақом иш дея итялоғини ялаганлар, тағин ҳам худди шундай йўл тутиб у кишининг бу қарорини ҳам кўллаб чиқишиди. Ҳа, бизнинг оқил ва доно деб аталадиган раҳбаримиз, аслида нодон эканлигини ўзи ҳам билади. Бошқалар ҳам, лекин бу нодоннинг нодонлигини айтиш ўзбеклар учун гуноҳи азимдир.

Тўғри, бир пайтлар кимлардир айтишганди ҳам, уларнинг қай бирилари раҳматлик бўлиб кетишиди, яна қайсилари иш элга қочиб жон саклади ва тағин айримлари қамоқхоналарда ўлимларини кутиб яшашмоқда. Чунки улар учун озодлик йўқ! Чунки улар шундай “марҳаматлик”, “узокни кўзлаб оқил ва доно” сиёсат олиб борувчи юртбошимизни хурмат қилмаганлар! Тамом, вассалом! Ўзбекистон – бу демократик мамлакат дегани эмас, гарчи конституциясида унинг демократик эканлиги қайд этилган бўлса ҳам. Лекин юртбошига ҳам қийин бўлди. Бир мисқол

бўлсин обрўси қолмади! Энди эса бемалол, оёқни чўзиб ўлишни ва ўлганидан сўнг ҳам обрў-эътиборлик бўлиши орзу килиб қолган бўлса ҳам керак. Йўқ! Унинг номи Ўзбекистон таърихига киради албатта, лекин кирганида ҳам унда Пиночет, Полпот, Гитлер сингари қаттоллардек из қолдирадиган шахс бўлди.

Таърихда ўз номини қолдиришни истаганлар кўп бўлишган албатта, яхши ном қолдирганлар ҳам бўлгани каби, ёмон отлиқ бўлганлар ҳам талайгина. Масалан, қадимги Юноностонда номини таърихда қолдиришни истаган Герострат ибодатхонага ўт кўйган экан. Ислом Абдуганиевич эса ҳалқнинг уйини кўйдириш, давлатни ҳам, миллатни ҳам хонавайрон қилиш билан таърихга кирадиган шахс бўлди. Дунёда биттагина бўлсин, ўзбек яшаркан, у Ислом Каримов номини лаънат билан ёдга оладиган бўлади.

Яна бир қизиқарлик ҳолат, қайсири бир оиласда учта эгизак ўғил туғилиб қолса ударга Ислом, Абдугани ва Карим деб исм бериш одатга айланганди. У болакайлардаку айб йўқ, айб уларнинг лаганбардор оталарида. Ҳўш, булар нима қилишяпти экан энди? Балки болаларининг исмларни ўзгартиришар, факат ҳозир эмас, янги ҳукмдор келганидан сўнг.

“Оқил” ва “доно” президентимиз куни кеча яна бир янги қарорга келибти. Аслида мамлакат парламентининг қарори деб расмийлаштирилган бу қарорга мувофиқ Ўзбекистон президенти сайловлари санаси 2014 йил декабридан 2015 йилнинг биринчи ярмига кўчирилибти. Парламентдаги қонунчиларнинг иддаю қилишларича, ушбу қарор президент сайловларининг парламент сайловлари билан тўқнаш келмаслиги учун ва сиёсий партияларга сайловларга тайёргарлик кўриш учун кўпроқ вакт беришдек олийжаноб бир максадни кўзлаб қилинган эмиш. Ола, йигирма йилдан бери ҳар икки сайловнинг тўқнаш келгани бирорни безовта қилмаганди, энди ўзгартириш қилиш керак бўлиб қолдимикин?

Президент Каримов 2010 йил ноябрь ойида Конституцияга парламентга кўпроқ ваколатлар

беришни назарда тутувчи ўзгартиришларни таклиф этганди ва унинг таклифи парламент томонидан маъқулланганди ҳам. Гарчи, Франс-пресс ахборот агентлигига маълумот берган Ўзбекистон парламенти Сенатининг Қонунчилик палатаси раиси Светлана Ортикова “сиёсий партиялар президентликка номзодларни илгари суришади, шунинг учун президентлик сайловларини парламент сайловларидан кейин ўтказиш мақсадга мувофиқдир”, деган бўлсада, аслида мақсад Каримовга ўринбосар бўлган меросхўрни эл орасида меҳрибон зотга айлантириш учун мўлжалланган тадбирдир. Шу йил давомида диктаторнинг катта қизи мингта никоҳ тўйлари ва мингта суннат тўйларини ўтказиб бериши ҳакида хабарлар тарқалди. Демак, Ислом Карим жаноблари ҳокимиятдан кетса, ўрнига қизи келиши аниқ ва аён. Агар шунда ҳам қандайдир бир инқилобий ўзгариш бўлиб қолмаса.

Ҳукмдоримиз Андижон хунрезлигидан сўнг бирор марта бўлсин хорижий журналистларга кўриниш бермади. Унинг ёлғончилиги азал-азалдан аён бўлсада, умрида бир бор бўлсин рост гапирганини кўрганлар бормикин? Ислом Каримовнинг бошлаётган янги авантюраси қизини ҳокимиятга келтириш учундир. Энди уни ҳокимиятга келишига йўл бериш, ёки бу жиноятчи режимни улоктириб ташлаш ўзбеклармизга ҳавола. Яна ҳам аникроғи, ўзбекистондаги ўзбеклармизга ҳавола. Агар миллат мана шу алфозда пашша қўриб ўтираверса, бошини бириктириб диктатор найранларига қарши курашга отланмаса, келгусида Гулнора Каримованинг ҳукронлиги остида яшашга мажбур бўлади. Брилиант ва бошқа қимматбаҳо тақинчоқларга ўч Гулнорадан Ўзбекистон халқига нима етишини эса келажак кўрсатади. Ўзбеклар, аммамнинг бузогига ўхшамай эркин инсондек фикр қилинг ва режимга қарши курашга чиқганлар сафига киринг! Сизга бошқа йўл йўқ. Агар кўрқоқлик килиб, тағин ҳам ўзи бўлар йўлни танлассангиз, токи қиёматгача бошингиз мардкорликдан чиқмай колади. Эл бўлинг ўзбеклар! Эл бўлинг!

**Тўлқин Қораев.**

## ЛИКВИДАЦИЯ ЧАСТНЫХ ТАКСИ ОСТАВИТ БЕЗ РАБОТЫ СОТНИ ВОДИТЕЛЕЙ

Правозащитники сообщают о поступающих жалобах от таксистов из различных регионов Узбекистана, которых власти вынуждают отказаться от частного извоза и покупать лицензии, стоимость которых многим не по карману.

\*\*\*

Активисты опасаются, что десяткам тысяч таксистов, зарабатывающих частным извозом, грозит безработица.

Накануне пришелся на середину марта, когда, по словам водителей, правоохранительные органы стали осуществлять облавы на частников, а у некоторых даже конфисковали автомобили. Таксист из Сырдарьи, города в центральной части Узбекистана рассказал, что работники Главного управления безопасности дорожного движения голосуют на оживленных улицах под видом пассажиров, затем садятся в частные такси и запугивают водителей.

«Ко мне подсели молодой человек, попросил довезти его до рынка, в это время позвонил кому-то по телефону, а когда мы подъехали, меня окружили [милиционеры] и сказали, что я нарушаю закон, — пожаловался таксист. — Этот закон лишил нас спокойной жизни».

Возмущение таксистов вызывает вступившее в силу с января 2012 постановление Кабинета министров «О мерах по упорядочению деятельности линейных такси», согласно которому извозом могут заниматься лишь те владельцы легковых автомобилей, которые получили лицензию и оснастили свои транспортные средства необходимым по закону инструментарием, включая аптечки и опознавательные знаки в виде шашечек.

В соответствии с Административным кодексом Узбекистана несоблюдение требований по перевозке пассажиров автомобильным транспортом без лицензии наказывается штрафом от двадцати до ста минимальных размеров заработной платы, с последующей конфискацией автомобиля.

Минимальная заработка плата в Узбекистане составляет 62 920 сумов в месяц, (\$22). До этого многие узбекские водители занимались частным извозом нелегально, поскольку купить лицензию могли не все. Согласно местному законодательству стоимость лицензии на частный извоз сроком на шесть месяцев составляет примерно \$ 500. Примерно столько же надо потратить на приобретение опознавательных знаков такси, специальную окраску машины и прохождение технического осмотра на соответствие параметрам. Получив лицензию, водитель становится подотчетным единой системе линейных такси и будет обязан вносить определенный процент заработка в общую кассу. По словам частников, ежемесячно они зарабатывают по \$150-200. «Мне не надо платить из своих доходов за лицензию и другие атрибуты, поэтому я имел чистую прибыль», — рассказывает местный таксист с 15-летним стажем, назвавшийся Акбаром. На эти деньги он с трудом мог прокормить семью из пяти человек. — Запрет на работу без лицензии лишил мою семью средств к существованию». Специализированные такси не были конкурентами частникам: стоимость проезда у официальных такси в несколько раз выше, и их услугами пользовались в основном представители организаций и приезжие. К примеру, чтобы проехать из одного конца Ташкента в другой, стоимость проезда на официальном такси составляет \$ 30, в то время как частник отвезет пассажира по этому же маршруту в три раза дешевле.

Сурат Икрамов, руководитель Инициативной группы независимых правозащитников из Ташкента, куда в последнее время стекается поток жалоб от водителей-частников, прогнозирует социальную напряженность в многотысячной среде транспортников. «Это может плохо закончиться, если всех их разом лишат заработка, неизбежны потрясения», — говорит он.

## АРПА УНИ ЕГАН НОМАРД



(Хажвия)

-Хурматли депутатлар, биласизлар биз болалигимиизда арпа уни еб ўсганмиз. Шунинг учун ҳам менинг Президентлик муддатимни референдум йўли билан узатсан. Нима дайсизлар?

-???. -Хурматли депутатлар, биласизлар биз палов есак ҳам нон билан еймиз.

Мен эса арпа нони емасдан турға олмайман. Шунинг учун ҳам президентлик муддатимни беш йилдан етти йилга ўтказсан. Нима дайсизлар?

-???

-Хурматли депутатлар, биласизлар лағмон бизнинг миллий таомларимиздан. Мен эса лағмонни ҳам арпа уни билан пиширираман. Шунинг учун Конситуцияни бузуб бўлса ҳам мен яна президентликка номзод бўлсан?

-???

-Хурматли депутатлар, биласизлар мен энди анча кексайиб қолдим. Буғдо унidan қилинган нон энди бизга оғирлик қиласди.

Шунинг учун ҳам мен яна арпа унидан қилинган нон еяпман. Келинглар менинг Президентлик муддатимни яна беш йилга қайтарсан. Нима дайсизлар?

-???

-Хурматли депутатлар, ҳозир дунёда иқтисодий бўхрон бор. Биринчи таклифим ҳамма менга ўхшаб арпа унидан қилинган нон ейишга утса.

Иккинчи таклифим, яна бир марта Конситуцияни бузуб бўлса ҳам Президентлик муддатимни саккиз йилга чиқарсан. Нима дайсизлар?

-???

-Хурматли депутатлар...

-Хой, номард одам, сиз умрингизда бирор марта мева -пева еганмисиз ўзи...

## ГУЛНОРА КАРИМОВА ШОЙИ ГУЛЛИ АТЛАС ЛОЗИМДА ЎЗБЕКЧА ГАПИРДИ!



Тошкентдаги Миллий санъат марказида “Bazar-Art. Бахор—2012” кўргазмаси очилди. Узбекистон хунарманд рассомларининг “Ижод” уюшмаси ташкил қилган бу кўргазмада халқ усталари ясаган сопол буюмлари, атлас, адрес ҳамда гиламлар намойиш қилинмоқда.

Кўргазма Ўзбекистон президентининг тўнгич қизи Гулнора Каримова ҳомийлигидаги ўтадиган тадбирлардан ҳисобланади. Кўргазма уч кун давом этади. 27 март кунги очилиш маросимида Гулнора Каримова иштирок қилиб усталарни олқишилади. Интернетдаги Youtube порталида Г.Каримованинг усталарни муборакбод қилгани акс этган тасвир кўйилган.

Бу тасвирда шойи гулли атлас лозимни этаксиз камзилга жуфт қилиб кийган Гулнора Каримова аввалига русча гапирди кейин эса тўрт жумла ўзбекча калимани, ёнидаги йигит узатиб турган қоғозга қараб ўқиди. Заргарлик, нақшу-нигор ва ўймакорликда ном чиқарган усталар Гулнора Каримованинг совғаларига нойил бўлишди. - 80 нафар ўзбек хунарманди яратган асарлардан тартиб берилган бу кўргазмадан ўрин олган буюмлар ранго-ранглиги, Тошкентдаги баҳор кайфиятига мос бўлди, дейди кўргазма очилишида иштирок этган рассом Рустам Бозоров.

Ўз асарларида ўзбек нақшу нигорларига кўп ўрин берадиган Рустам Бозоров бу кўргазмага кўйилган гиламлар, нақшин лавҳалар ва атлас буюмлардан илҳомланганини билдириди.

Кўргазма ҳақида бизга гапирган ва ўзини Наргиза деб таништирган санъатшуносга кўра, бу тадбир хунармандларни молиявий кўллаб-куvvatлашнинг энг мақбул услуби бўлиб қолмоқда:

- Бу кўргазмадаги асарларнинг нархи 1000 долларгача боради. Масалан, ёғоч ўймакорлиги, шарқ минатюраси, кашталар. Олис вилоятда яшайдиган уста айнан Bazar-Art кўргазмасида ўз асарларини лойик нархда сотиш имконига эга бўлади, дейди санъатшунос. Санъатшуносга кўра, Bazar-Art лойиҳасида каштачилик, нақш ва минатюра, ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, газламага гул босиши, мисгарлик каби санъатнинг етук усталари иштирок қилмоқда. Bazar-Art кўргазмаси 2007 йилдан бери 10 маротаба ўтказилди.

Озодлик

### Мақола остига ёзилган шарҳлар:

\* Гулнора бу ерда худди думи ва пати юлинганд товукка ўхшаб колибди. Бу холатни “қош қўяман деб, кўз чиқариш” деса, тўппаттўгри бўлади. Миллийликни улуғлайман деб, бутун Ўзбекистон аҳолисига кулгу бўлди. Бундан ортиқ бачканаликни ўйлаб топишни ўзи қийин. Ўша атлас иштонни ўрнига қора, оддий шим кийиб чиқса кеч кимга кулгу бўлмас эди...

\* Assalomu alaykum. Qaysi “modashunos” unga lozimni ko’ylaksiz kiyishni maslahat berdi ekan? A? Endi nima bo’lsa ham o’zimizda moda bo’lib ketmasin.

\* eh, o’zbekiston kimlarni qo’lida qoldi. biz kimbiz asli turon. anavu atlas ishtonlik ham bizdanmi?

\* Assalomu alaykum. Birinchidan “ostog’furlox” emas, astag’firulloh. Ikkinchidan nima demoqchi bo’lganligingizni o’zingiz tushunyapsizmi? Uchinchidan La havla vala quvvata illa billah. Salomat bo’ling.

\* Бехаё, шармсиз.

\* ozbechani chala gapirarkan

\* GULINI kurib qushnimizni qarri itini kurganday buldim

\* Шарманда!!!

\* G. Karimovani kiygan ishtonni ja g’alati kurinipti. ishton kiysa kuylagiyam bulishiga urganip qoganakan odam.

\* pul, boylik, mansab bilan did o’zgarib qolmas ekan. gulnorahon qanchalik puldor va mansabdor bulmasin, baribir ham kiyinishi, didi

va saviyasi o’ziga yarasha. axir, boylik va mansab bilan maymunni odam qilib bulmaydiku! bu shaqallar halqni rizqini qiyib, davlat mulkin o’marib davru davron suryapti. hali vaqt soati keladi, o#shanda ko’ramiz holi ne kechadi. ollohnning qahri bulsin bularga. bechora halq ochlikdan o’lyapti, bular esa, har kuni har nayranglar bilan mashgul

\* OLDIN O’ZBEKCHANI YAX-SHI ORGANSIN, KEYIN TABRIKLASIN. SENLARGA UZB HAYF-DIR

\* Бу тасвирда шойи гулли атлас лозимни этаксиз камзилга жуфт қилиб кийган Гулнора Каримова аввалига русча гапирди кейин эса тўрт жумла ўзбекча калимани, ёнидаги йигит узатиб турган қоғозга қараб ўқиди<<<< GAPNI НАМ TOPASLARDA >>

## ЛОЗИМ КИЙГАН ЛОЗИМСИЗ...

Эй, лозим кийган лозимсиз!

Эй, уятсиз бадбашара юз!

Сен бизга бегонасан!

Чунки сен ўзга тилда равон,

Ўзбек тилида эса

нотовон гапирасан,

Қоғозга қараб гапирасан

тилимиизда...

Сенга жой йўқ дилимиизда!

Йўқол!

Ҳамон йўқол даврамиздан,

Чиқиб кет дарҳол орамиздан!

Эй лозим кийган лозимсиз,

Сен ўзи кимга лозимсан?

Ўз бошингга лавозимсан,

Бир четга отган қоғозимсан,

Йўқол, даф бўл орамиздан,

Қонатма етар ярамизни...

Нафрат этдиридинг барчамизни.

Биз ўзбекмиз, эътиқодимиз бор.

Сенга бу тупроқлар энди тор.

Етар, изла ўзингга

бошқа жойда ёр!

Эй, лозим кийган лозимсиз,

Яқинда кўтарамиз бошимизни,

Аммо сенинг башарангни

кўрмаслик учун,

Қўзимизни ерга тикмоқдамиз,

Хозирча...

Йўқол, йўқол ахир,

Йўқол деганда кўпаклар ҳам,

Ғойиб бўлди.

Пойинг битди бу ерда,

Яқинда поймананг ҳам тўлади.

Келма, кет энди,

Хайф шунча сенга сўз !

Чунки сен юзсиз,

Лозим кийган лозимсизсан!

**Номусли Ўзбек**

*(Давоми. Боши ўтган сонларда)*

Гулнор энди Тошкентда бемалол юраолмасди. Қорлиғашевнинг айғоқчилари уни одим-одим таъқиб қила бошлаганди. Хатто уй олдида навбат тута бошлагандилар. Гулнор уйдан академияга, у ердан уйга келарди холос. Яна Қорлиғашев ва унинг ташкилоти яхши билган баъзи дўстларининг уйига гоҳ-гоҳ бориб турарди. Чунки, улар билан ҳам алоқани узиз қўйиши ташкилотни шубҳалантирган бўларди. Гулнор Ўзбекистондан чиқиши учун Туркия элчихонасидан виза олиши керак эди. Лекин элчихонага кетса, буни Қорлиғашевга дарров етказишар ва Гулнорнинг нияти фош бўларди. Бир тасодиф ишни осонлаштириди. Камол Эркиннинг уйида Турк элчихонасидан бир маъмур унга икки кун ичида виза хозирлаб, Камол Эркинга беришини айтди. Айтилганидай, икки кун ичида виза тайёр бўлди. Қочиш йўли ҳам Камол Эркиннинг уйида чизилди. Тошкентнинг чеккасида юк машиналари парки бор эди. Бу парк хусусий эди, уни бир турк йигити қурганди. Юк камёнлари Туркиядан келиб, бир кечада бу ерда дам олишар, кейин Қозогистонга ўтиб кетишарди. Ўзбек-қозоқ чегарасида унчалик назорат йўқ эди. Режа бўйича, айғоқчилардан бир амаллаб қутулгач, ўша паркка бориш керак эди. У кеча Гулнор ухлай олмади. Шубҳаланмасликлари учун кичик бир сумка хозирлади йўлга. Ва кийимларини ечмасдан ётоқка узанди. Ухлаб қолишдан кўрди. Келишилган вақтдан сал кечикса, ҳаммани тахлика га қўйган бўларди. Ётоқдан туриб парда орқасидан кўчага бокди: Қорлиғашев кўпраклари ўз жойида туришарди. Қириш эшигидан чиқиши мумкин эмасди. Унча юксакда бўлмаган орқа балкондан чиқиши лозим эди. У кечада Корлиғашев ҳам безовта эди. Гулнор у истаган рапортни келтирмаганди. Гулнор шу кунгача учрашган одамларида муҳим нарса йўқ эди. Балки, Камол Эркиннинг уйига бир ҳафтада икки марта борганидан шубҳаланиш мумкин эди. Лекин бу ҳақдаги одамлари берган рапортда шубҳага молик нарса тополмади. Негадир Қорлиғашев одатидан ташқари соат уч яrimda уйғониб кетди. Такрор ухлашни истади, лекин кўзига уйку келмади. Чирокни ёқди. Қўлини соатга узатиб, айғоқчилар берган рапортни олди, ўқий бошлади.

## ГУЛНОР (РОМАН)

Иккинчи рапортнинг бошини ўқир экан, чаён чаққандай сапчиб ўриндан турди:  
—Эҳ, шайтон, буни нега аввал ўйламадим!, — деди.  
Рапортда Камол Эркиннинг уйига келган бошқа меҳмонлар ҳам ёзилганди. Гулнорнинг биринчи келишида Камол Эркин уйига Турк элчихонаси ходими ҳам келганлиги ёзилганди. Кейин ўша ходим Камол Эркиннинг уйига иккинчи марта келган ва ундан икки соат кейин эса у ерга Гулнор келганди.  
—Шайтон қиз, Туркияга қочишни ўйлабсан-да!, — деди ўз-ўзига Қорлиғашев.  
У бир неча дақиқа ичида кийиниб, кўчага чиқди. Машинага ўтириди, ўн дақиқа ўтар-ўтмас Гулнорнинг уйи олдидаги тўхтади. Эшикни пойлаётган иккита айғоқчига ишорат килиб, ичкарига кирди. Соат тўртдан ўтганди. Гулнор балкон эшигини очиб чиқаётганда, эшик кўнғироғи чалинди. Бу маҳалда эшик кўнғироғининг жиринглаши хайрли эмасди. Гулнор эшикни очмасликка қарор қилди. Балкон темирини ошиб, кўли билан панжаралардан тўтди-да пастга осилиб тушди. Ва орка кўчага чиқди.  
Такси топилиши амри маҳол эди. Уйдан тезроқ узоклашишга ҳаракат килиб, югурга бошлади.  
Кўнғироқни жиринглатган Қорлиғашевнинг одами ёки унинг ўзи эди. Эшикни синдириб кириб, Гулнорни тополмагач, орка кўчаларни ҳам назорат қилиши мумкин эди. Буни ўйлаб, Гулнор чопа бошлаганди.  
Қорлиғашевнинг шиддатли кўнғироқларидан Гулнорнинг кўшнилари уйғонишганди.  
Қорлиғашев елкаси билан эшикни уриб кўрди, синдиrolмади. Кейин одамларига ишора қилди, улар иккаласи эшикни синдиридилар.  
Гулнор уйда йўқ эди. Қорлиғашев айғоқчиларга бақира бошлади:  
—Уйга кириб, қайтиб чиқмаганидан аминмисан?, — дерди у тинмай.  
—Ха, чиқмади, — дерди иккита айғоқчи даг-даг титраб.  
—Балкондан қочган!, — деди Қорлиғашев, — сен бу бинодаги бутун квартиralарни қараб чиқ!  
Сен эса мен билан юр!  
Қорлиғашев айғоқчилардан бирини олиб, орка кўчаларни текшириб чиқди. Аммо Гулнорни тополмади.  
Гулнор аллақачон хусусий бир машинани тўхтатиб, хайдовидан Навоий майдонига олиб боришни илтимос қилганди.

Навоий майдонидан таксига ўтириб, келишилган паркка етиб келди. Соат беш бўлмаганди. Парк коровули каллаи-саҳарла ёлғиз юрган қизни кўриб хайрон бўлди.  
—Мен Гулнор Қунбоеваман, — деди у, — олти яримда кетиши керак бўлган бир камён мени Чимкентгача олиб кетиши керак эди.  
—Сизни бунча эрта кутмагандим, — деди одам, — сиз бир оз кутинг, дам олинг шу ерда.  
Бу кичик, муваққат уйчада ягона курси бор эди, Гулнор унга ўтириди.  
—Яхшиси, мен кетадиган машина кабинасида ўтирақолай, — деди Гулнор ийманиб.  
—Шофер ухлаётган бўлса керак-да, — деди одам, — уни ўйғотиш тўғри бўлармикин?  
—Мени олиб кетишидан хабари борми?  
—Ҳа, хабари бор.  
—Мумкин бўлса, мен уни ўйғотиб, илтимос қилсам, деди — Гулнор.  
—Майли, хўёв анови машина, — дея қўлини чўзди одам.  
Гулнор баҳайбат юк камёнининг зинапоясидан кўтарилиб, деразасидан ўтиргични орқага ёткизиб, ухлаётган шоферни кўрди. Ойнани уч-турт марта тақиллатди. Шофер ўйғонди.  
—Соат неча бўлди?, — деди кўзларини үқалаб у, — ухлаб колибманми?  
—Йўқ, бейафанди, соат ҳали беш. Мен эртарок келишга мажбур бўлдим. Рухсат берсангиз машинага ўтирам, бу ер мен учун хавфсизро бўлади, — деди Гулнор.  
—Албатта, Гулнорхоним марҳамат, исмингизни тўғри айтаяпманми?, — шофер.  
—Тўғри айтаяпсиз, исмим Гулнор, фамилиям Қунбоева.  
—Менинг отим Ҳасан Унорон — деди шофер. Кейин тушиб камёнининг орка эшигини очди. Камёнга мебел тўлдирилган эди.  
—Мана шу креслода ўтириб, дам олинг Гулнор хоним. Агар машина тўхтаса, сиз анов шкафга кириб яширининг, — деди шофер.  
—Ҳўп Ҳасанбей, ташаккур, — деди Гулнор.  
—Арзимайди, Гулнорхоним, мадомики ўйғондик, сизга зарари бўлмаса, йўлга тушаверайлик, — деди шафер.  
—Жуда яхши бўларди, тезроқ бу исканжадан кутулай, — деди Гулнор. Йўл бўйича камён тўхтамади.  
Чимкентга етиб келишганида соат етти ярим эди.  
Камённинг эшиги очилганда Гулнор ухлаб қолган эди.

*(Давоми кейинги бетда)*

(Давоми. Боши олдинги бетда)

Дарров уйғонди ва ўрнидан турди.

### Хасан:

—Хавотир олманг, Гулнорхоним, соғсаломат Чимкентга келдик, — деди. Гулнор уст-бошини тузатди, кичик сумкасини кўлига олди, Ҳасанга ташаккурлар айтиб, у билан хайрлашди. Чимкентнинг сокин кўчаларидан юриб, биринчи дуч келган одамдан қўлидаги адресни кўрсатиб, у ерга қандай боришни сўради.

\*\*\*

Ойдон, Али Моҳир ва Ўғуз

Анкарада Америка саргузаштларини Салим бейга ҳикоя эта бошлаганди, Салим Бейжон:

—Ўғуз бей, бир дақиқа сабр қилинг, Маҳмат хўжани ҳам чақирайлик, — деди.

Телефон қилди, Маҳмат хўжа Салимнинг бюросига тез етиб келди.

Саргузаштлар ҳикояси ҳаяжонли эди. Танаффусда Маҳмат Эрйигит

Ўғузни чеккага тортиб:

—Гулнор шу ерда. Икки кундир пойттахт ўқитувчилар уйининг меҳмонхонасида яшяпти, — деди.

—Шундайми? Тинчликми, нимага келиби? — деди Ўғуз ҳаяжонланиб.

—Билмайман, аммо яхши нарсалар бўлмаганини сездим. Келган заҳоти сени қўриши кераклигини сўйлади.

—Ундан бўлса, Салим бейдан изн олиб тез борай, — деди Ўғуз.

“Ўқитувчилар уйи” фойесида Гулнор Анвар Мурод билан бирга эди. Ўғуз ҳар иккалasi билан ҳаяжон ичida кучоқлашdi.

—Гулнор, тинчликми?, — деди қизга қараб.

—Хавотирланма Ўғуз, бу ерга келдим, энди тинчлик, ҳаммаси ўтди, — деди Гулнор.

Қисқача Узбекистондан қандай қочгани ва КГБнинг тазийкларини айтиб берди. Сўнггида:

—Сенга бошқа айтадиганларим ҳам бор, — деди Гулнор.

Ўғуз бу ҳаяжонли қочиш воеаси олдида Америка саёҳатини Гулнорга айтиб беришни кераксиз ҳисоблади. Анвар Мурод хайр-хўшлашиб ўрнидан турди.

Гулнор ўшанда Ўғузга ҳамма сирни тўқди. Тейиркан, Отаком, “кўзча” аппарати ва бутун ғаройиб нарсаларни айтиб берди. Агар бу ҳодисани Гулнордан бошқа айтиб берсайди Ўғуз ишонмаган бўларди. Аммо буни айтаётган севган қизи Гулнор эди.

Уша кечада Ўғуз ухлай олмади. Унинг фикрича, Гулнор ўша дарахт тагида бир ҳафта давомида хушидан кетган бўлиши ва хаёлида ўша ҳодисани яшаган бўлиши мумкин эди.

## ГУЛНОР (РОМАН)

Балки Қорлиғашевга айтган ўша боғли-боғчали уйда ҳақиқатан ҳам бир ҳафта қолиб кетгандир, деб ўйларди у.

Эртаси кун учрашганда Ўғуз бу фикрларини Гулнорга эҳтиёткорлик билан айтиди.

—Йўқ, Ўғуз, бу хаёл эмас эди. Буни ҳаёлий эмас, жисмоний яшадим.

Кўлларимни сиқиб кўрдим, соchlаримни тортдим. “Кўзча” деган аппаратга тегдим, — деди Гулнор.

—Кучли ҳаёл онида шундок ҳолатлар бўлади, — деди Ўғуз.

—Тушумаяпсан Ўғуз, бу ҳаёл-паёл эмас, — деди Гулнор, — у боғчали уйни ҳам Қорлиғашевдан қутилиш учун тўкидим.

Ўғуз баҳслашишнинг фойдасиз эканлигини тушунди

—Майли, буни вақтга ҳавола қилайлик. Маълум вақт ўтгандан кейин ҳамма нарса ойдинлашади, — деди Ўғуз.

—Сенинг менга ишонишингни ўйлагандим, Ўғуз. Янгишибман. Майли, сенинг айтганинг бўлсин. Вақт келиб, менга ишонасан...

1993 йил охири ва 1994 йил баҳорида кўп воқеалар бўлиб ўтди. Ўғуз Салим Бойжоннинг таклифи билан, унга маслаҳатчи бўлиб, Анқарага кўчиб келди. Ойдон Ори бир коктейлда Ўғуз таништирган юзбоши Илкер Демирга турмушга чиқди. Али Моҳир “Америка” хужжатли фильмни учун бир банкнинг мукофоти билан тақдирланди.

Гулнор узун давом этган хужжат тайёрлаша марафонидан сўнгра Турк фуқаролигига қабул қилинди. Салим Бейжон Эскишахар йўлининг Афйон бурилишида уша Истироҳат Парки тамалини қўйди. Ўғуз билан Гулнор 15 июн куни уйланишиди.

Тўй янги тамали қўйилган Истироҳат Парки майдонида бошланиб, уч кеча уч кундуз давом этди.

Тўрт, олти, сakkiz ва ўн устунли чодирлар курилиб, ҳашаматли тўй бошланди. Тўйда Турк дунёсининг бутун рақс ансамбллари қатнашди. Тошкент, Боку конференциялари иштирокчилари ўз рафиқалари билан тўйга келишиди. Ойдон эри билан кўз қамаштиради. Али Моҳир ёрдамчиси билан тўйни бошдан оёқ суратга олди. Тўй сценарийсини Ойдон Ори тақлиф қилганди.

Ўғуз ва Гулнор учинчи кечада олти устунли чодирга кирдилар. Ўғуз обдаст олиб, икки ракат намоз қилди. Юксаклардан юксак

Оллоҳга шукрлар айтди. Ислим кўркли Мухаммад Мустафага саловат келтириди.

Гулнор атлас келинлигини чиқариб, Ўғуз курмасдан кўрпага кирди.

Ўғуз намозини битириб, чодирнинг олдига чиқди. Одамлар тарқаб, сукунат чўкканди. Фақат осмонда юлдузлар қолганди. Ўғуз энг олисдаги биттасига боқди, юлдуз кўз кисгандай бўлди. Чукур нафас олиб, чодирга кирди Ўғуз. Қопкоронгу эди. Аммо яшил қўзлар ёстиқ узра чакнаётганди. Ўғуз севгилисининг ёнига ўтирид ва унинг соchlарини силади:

—Сени накадар соғинганимни биласанми, Гулнор, — деди.

—Мен ҳам йилларча шу онни кутдим, — деди киз.

—Биз мингларча йил аввал бир-бirimizga ёзилган эдик, — деди Ўғуз.

—Аслида, биз сен билан ҳеч айрилмадик, сен билан бир бадан эдик, — деди Гулнор.

—Севгилим, ҳеч айрилмадик. Ҳеч айрилмаяжакмиз, — деди Ўғуз. Ўғуз кўрпага кирди, севгилисини кучоқлади.

Гулнор:

—Тўхта, Ўғуз, — деди ва чироқни ёқди. Кўлида ўзбек ханжари бор эди. Ерга санчди, тупроқни картди ва:

—Ер каби картилайн, тупроқ каби соврилайн, ханжарим-ла тўғралайн, қиличимга санчилайн, ўғлим туғилмасин, туғилса ўн кунга етмасин агар Эрганаконни кўрмасдан гўшангага кирад бўлсан!, — тантанали охангда. Ўғуз саросимага тушди:

—Ундан дема Гулнор, бу ўйин эмас, биз ўйландик сен билан, — деди кизнинг қўлларидан тутиб.

—Тўғри, ўйландик, аммо мен ўйин ўйнаётганим йўқ, мен яшаётган ҳақиқатга сен ҳам инномоғинг шарт. Аксинча, орамиздаги севгига ҳар доим бир бўшлиқ бўлажак. Бунинг йўли Эрганаконни излаб топиш. Менинг кўрган Эрганаконимни кўрсанг, менга ишонасан, — деди Гулнор.

Ўғуз:

—Хўп, Гулнор, аммо Эрганаконни қандай топамиз, — деди.

—Бу тўғрида кўп китоб ўқидим, Ўғуз. Олтой тоғларининг ичida бир ерда бўлиши керақ. Бу биз учун ҳам илмий иш, ҳам спорт бўлади. Энг муҳими сен менга ишонажаксан, — деди Гулнор жиддий.

У кечада Олтой тоғларига килинадиган сафар ҳақида тонггача сухбатлашдилар...

(Давоми келгуси сонда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАЛЛАРИ

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

### Гўшт

Барча хайвонларнинг ёш, эркак, кора ва ёғли бўлгандарни танланиши керак. Елка, бел гўштлари билан суяқка ёпишган гўшт янада ширин ва енгил бўлади. Ҳар бир хайвоннинг ўнг томонидаги гўшти чап томонидагига нисбатан лаззатли бўлади. Қизил қўйнинг гўшти коранини каби ширин, ҳазми эса янада енгилроқдир. Оқ қўйнинг гўшти енгил, кулранг қўйнинг гўшти эса оғир бўлади. Бир ёшли кора ва ёғли эркак эчкининг гўшти ширин ва енгилдир. Кўзи, улок ва бузок гўштлари энг яхши ва энг енгил бўлган гўштлардир. Улок гўшти кўзи гўштига қарагандо енгилроқ ҳазм бўлиб, ундан оз қолдиқ колади. Куритилган гўштнинг ҳазми оғир, аммо музлатилган гўштдан яхши. Пайғамбаримиз (с.а.в.) от гўшти ейишга изн берганлар, аммо эшак гўштини истеъмол килишни ман килганлар.

Аллоҳ таъоло “Анъом” сураси 146-чи оятда “Биз яхудийларга туёкли ҳайвонларнинг барчасини ҳаром қилдик. Мол ва қўйларнинг - ягрини, ичаклари ва суякларига ёпишганлардан ташкари - ёғларини ҳам ҳаром қилдик”, дейилади. Яхудийларга мол гўшти ман килинганига кўра, уларнинг гўшт ҳазм килиш қобилияти ҳам чегараланган ёки умуман йўқ. Олимлар килган охирги тадқиқотлар буни тасдиқламоқда. Ҳақиқатдан ҳам кизил гўштни ҳазм қилишда қийналган ёки ҳазм кила олмайдиган қишилар борки, улар “А” кон гурухига мансубдирлар. Уларнинг ошқозони гўштнинг ҳазмини таъминлайдиган кислотани шунчалик кам ишлаб чиқаради-ки, ошқозон кизил гўштни парчалай олмайди.

Масалан, Турк халқининг аксарияти (хусусан, Қораденгиз ва Эга бўлгасида яшайдиганлари) “А” кон гурухига мансубдир. Қораденгизлиларнинг кўпчилиги ич ёғи ишлатишса ҳам гўштни хушламайдилар.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Мол ва бузок гўшти узок вакт ейилса, пес (витилиго), псoriasis, мохов, фил (бесўнақайлик) касаллиги ва бошқа кўп касалликларга сабаб бўлади”, деганлар.

Бу оят ва ҳадисдан шу тушунилади-ки ошқозони кам кислота ишлаб чиқарганлар (“А” кон гурухига мансуб қишилар) мол ва бузок гўштни ҳазм кила олишмайди, факат ошқозонда чиритишади. Чириган гўшт қолдиклари майда томирларни тикиб, саратон (рак), мохов, пес (витилиго), варикоз ва фил касаллиги (бесўнақайлик) каби касалликларни келтириб чиқаради.

Шу сабаб кон гурухи “А” бўлганлар товуқ, курка (индуқ), каклик ва кўзи гўшти каби енгил ҳазм бўладиган гўштлар ва балиқ ейишса, мақсадга

мувоғик бўлади.

Ёввойи гўштларнинг яхшиси жайрон боласи гўшти ва қуён гўштидир. Қуён гўшти сийдикни кўпайтиради, буйрак ва қовуқдаги тошларни парчалайди (хусусан “В” ва “AB” кон гурухилар учун фойдалидир).

Мол гўшти инсон табиатига қаттиқлик, кўй гўшти эса юмшоқлик беради.

Мол, эчки ва тия гўштларининг ҳазми кийин кечади. Аммо ошқозони кўп микдорда кислота ишлаб чиқарадиган қишилар (кон гурухи “О” ва “В” бўлганларнинг ошқозони) бундай гўштларни енгил ҳазм қиласди. Қурбонлик гўшти инсон танаси учун мукаммал тозаловидир. Ични кетказиши, иссиқликни кўтариб юбориши ва бўғинларни шишириши мумкин. Буларнинг барчаси қурбонлик гўштининг таъсирида юзага келган соғайиш белгиларидир. Гўшт сўйилганидан уч кундан сўнг қурбонлик хусусиятини, яъни шифо хусусиятини йўқота бошлайди. Балки шу сабабдан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) аввалига қурбонлик гўштини З кундан кўп сақлашни ман қилиб, кейинроқ бунга изн берганлар.

Гўшт эшитиш ва кўришни

яхшилайди, акл ва вужудни кучли қиласди. Қовурилган ёки печкада пиширилган гўшт қайнатилган гўштдан қурук бўлади. Шунинг учун бундай гўштни кўкатли салат билан ейиш керак. Қалампир, дафна ёки арча барги, саримсок, пиёз, занжабил, тоғ жамбули, коразира билан пиширилган гўштнинг озука қуввати кўкатлар билан бойийди.

Гўштни нон билан эмас, кўкатлар билан ейиш керак. Шундай қилинса, гўштнинг ҳазми осон кечади ва гўштни ҳазм қила олмаганларга зарари камаяди. Бир ҳайвоннинг гўшти бошқа ҳайвоннинг гўшти билан ҳам, ёғи билан ҳам аралаштирилмайди. (Сабабини билиш учун “Сут” бўлимига қаранг.)

Гўшти овқат қилинганида гўштни ўз ёғида пишириш энг яхши усул. Чунки гўшт ўз ёғи билан бирга қулаг ҳазм бўлади. Гўшт ўз ёғидан бошқа ҳайвон ёки ўсимлик ёғ билан бирика олмайди. Ҳайвонлар ёғи ҳам гўштсиз қулаг ҳазм бўлмайди.

Сосиска, колбаса каби қайта ишланган гўшт маҳсулотларини ейиш мумкин эмаслигига энг камиди иккита сабаб бор. Биринчи сабаб - бу маҳсулотлар турли ҳайвон гўшти ва ёғлари аралашмасидан тайёрланади. Иккинчи сабаб - барча қайта ишланган гўшт маҳсулотларига қўшимча модда сифатида натрий нитрит ва натрий сульфит қўшилади. (“Қўшимча моддалар” бўлимига қаранг.)

Хайвон ёғи, хусусан, ич ёғлари ва қуйруқ ёғи таом ва дори тайёрлашда, суяклари эса шифоли шўрвалар тайёрлашда ишлатилади. Кузда ва қишида - гўшт ейиш, баҳор ва ёзда - емаслик соғлик учун фойдали. Соғлом киши хафтада 1-3, ҳатто 5 мартағача гўшт ейиши мумкин.

Пайғамбаримиз (с.а.в.): “Шубҳасиз гўшт таомларнинг саййидидир”, деганлар. Аммо Пайғамбаримизнинг (с.а.в.): “Узок муддат гўшт ейиш ва гўшт шўрвасини ичиш қайгу беради, қалбни қаттиқлаштиради”, деганлари ҳам маълум.

Гўштнинг тури билан бирга ҳайвоннинг қандай сўйилгани ҳам муҳим. “Аллоҳ сизга ўлаксани, конни, тўнғиз гўштини ва Аллоҳдан бошқасининг номи билан сўйилгандарни ҳаром қиласди”. (“Бакара” сураси, 173).

Аллоҳ (ж.ж.) бу нахийни Куръоннинг бир неча жойларида тақрорлайди. Электрошок бериб, кейин сўйилган ҳайвоннинг гўшти ўлакса ҳайвон гўшти билан баробардир. Фақат сабаблари ҳар ҳил. Бу шаклда сўйилган гўштнинг зарарини тушуниш учун куйидаги мисолни келтириш мумкин: мукаммал ускуналар билан анжомланган бир шахарни тасаввур қилинг. Шаҳарнинг мудофаа тизими кучли, биргина компьютер билан бошқарилаётган бўлсин. Милионлаб кимёвий ва биологик токсин ишлаб чиқарадиган, генетик мутацияга учраган, акл бовар килмайдиган бутун қуроллар бу компьютерга боғланган бўлсин.

Бу шахарни эгаллашни хоҳлаган аклии киши, мудофаа тизимининг маркази бўлган компьютер билан мудофаа ускуналари орасидаги боғланишини кесиб, шаҳарни, унга заарар бермасдан, барча гўзаллеклари билан кўлга киритади.

Аммо ақлсиз киши тўғридан-тўғри компьютерни портлатишга уринади. Оқибатда, компьютер бузилиб, унга боғлиқ асабблар бошқарувсиз қолиб,, шахар халқи жойлашган жойлар харобага айланади. Халқ заҳарланиб, шишиб, ақлдан озиб ўлади, яраланади. Ва ишғолчиларнинг қўлида расvosи чиқкан ҳароба, соғлика ҳавф солған, ўликларнинг лошига тўлган шаҳар колади.

Бу мисолда компьютернинг боғланиши жойини кессанлар тўғри ҳаракат килди.

Бу мисолни мавзуга тадбиқ қилсак, кассоб мияга кетган жон томир ва асабларни кесиши ўйли билан ҳайвоннинг қонини оқизади. Бу ҳолда мия қонсиз қолиб бир онда ўлади, хеч қандай реакция бермайди. Аммо юрак кон ташкарига отилгунича ишлашда давом этади ва шу тарзда ҳайвоннинг гўшти қонда аралашган ва гўштни заҳарлаган барча моддалардан тозаланади.

(Давоми кейинги бетда)

## КАСАЛЛИКЛАРНИНГ САБАЛЛАРИ

(Давоми. Боши олдинг бетда)

Электрошок беринг, сўнгра сўйилган ҳайвоннинг гўштига келсақ, электрошок ҳайвоннинг юрагини тўхтатади ёки даҳшатли аритмияга судрайди, аммо мия ишлашда давом этади. Мия баданни тирик саклаш учун безларни кўп миқдорда турли гормон ишлаб чиқаришга йўналтиради. Кон ҳаракатсиз бўлгани учун ичидаги токсин, гормон, қолдик, микроб, сассик газларни сувя ва бўғинларга, гўштга сиздиради. Шу тарзда гўшт ўлакса хусусиятини олади.

Юқорида кўрганимиз каби, Аллоҳ (ж.ж.) мол гўштини фақатгина яхудийларга манъ қилган, аммо ўлакса, кон ва тўнгиз гўштини барча инсониятга ман қилган. Олимларнинг изланишларидан хеч бир жамиятда тўнгиз гўшти учун ҳазм тизими бўлмагани маълум.

Ҳар бир ҳайвоннинг ҳазм тизими ўзига хос бўлиб, ризки учун махсус яратилган. Шу сабабдан, ҳайвонлар фақат ўзларига хос ризкларни ҳазм кила олишади.

Табиий озиқланган ҳайвон соғлом бўлади, унинг гўшти, ёғи, суяклари тоза бўлади. Аммо бугунги ҳайвонлар фабрикаларда тайёрланган гормон, антибиотик, сунъий протеин, витамин ва бошқа GM таркибли қўшимчалар кўшилган емлар билан ва гени ўзгартирилган махсулотлар билан озиқланмоқда. Ҳатто вақти ўтиб кетган, бузилган ва аралаш таом қолдиклари, вақти ўтган чипс, печенеъе, кекс, шакар ва шунга ўхшаш нарсалар бозорлардан йигилиб, ҳайвонларга ем сифатида берилмоқда. Натижада, инсон каби касалланган ҳайвонлар, инсон каби оғир даволанишни бошламоқда.

Даволанган ҳайвон гўшти, ёғи, суяклари юқорида айтилган фойдалардан маҳрум бўлиб, соғлик учун хавф туғдирмокда. Шу сабаб, суяқ, ёғ, жигар, буйрак, юрак ва миёсини истеъмол килаётганда юкоридаги ёмон табсиirlарга учрамаган ёш ҳайвоннинг гўштини танлаш керак.

Клонланган ҳайвонларнинг гўшти ва сути илк бор 2007 йил баҳор ойларида АҚШ бозорларида сотила бошланди. Бу ҳайвонларнинг гўшт ва сутлари анчадан бери баъзи учинчи дунё давлатларида арzon нархларда сотилаётган эди.

Расмийлар клонланган мол, чўчка ва эчкилар мавзусида бераётган баёнотларида бундай ҳайвонлардан олинган махсулотлар ҳар куни истеъмол қилинаётган нормал озиқовқатлар билан айни сифатдалиги ва уларнинг хеч бир зарари йўқлигини айтишмоқда. Шунинг учун клонланган ҳайвонлардан олинган махсулотлар (гўшт, сут ва ёғлари) бозор ва дўконларда бемалол сотилмоқда.



Устига-устак, олимлар бу махсулотларнинг этикеткасида уларнинг қай йўл билан олинганини ёзиши шарт эмаслигини айтишмоқда. Клонланган ҳайвонлар устида иш олиб бораётган олимлар йиллар давомида ранг беруви, аромат, ширинлаштируви, гўшт ўрнига синтетик протеин каби сунъий озукаларни истеъмол қилиш мумкинлигини ва синтетик таомларнинг инсонларга хеч қандай зарари йўқлигини илгари суришмоқда. Ҳолбуки, натижалари бутунлай тадқиқ қилинмагани учун бу махсулотларнинг берадиган моддий зарари ханузгача аник эмас. Фақат маънавий зарари маълум: “Нисо” сурасининг 118-119 оятларида айтилган усул билан етиширилган ҳайвонларнинг гўшт ва сути ҳаромдир. (“GMO” бўлимига каранг.)

### Товуқ

Табиий озиқланган товуқнинг гўштини еса бўлади, ёғи таомлар учун кўлланилади. Фақат гормон, антибиотик, витамин ва бошқа кимёвий дорилардан тайёрланган, қўшимчалар кўшилган емлар билан етиширилган товуқ гўшти, тухуми ва ёғини истеъмол қилиш тўғри эмас. “В” ва “АВ” кон гурухларига мансуб кишилар товуқ гўшти табиий бўлса ҳам, товуқ гўштининг ҳазмиди қийналишади. Товуқ гўштида улар учун зарарли протеин мавжуд. Бу протеин метаболизмани секинлаштириди, иммунитет тизимини заифлаштириди ва касалликларни кўзгатади. Ҳўроznинг яхиси - ҳали кичкирмагани, товуқнинг яхиси эса ҳали тухумга кирмаганидир. Жамбул, коразира, чиннигул ва шивит билан пиширилган хўрозд гўшти бўғинлар оғришига, газ, ошқозон ва ичак яллигланишларига фойдалидир. Товуқ гўшти ақлни кучайтиради, манийни орттиради.

### Товуқ эми:

Бугун товуқ эми сифатида гени ўзгартирилган макка, ловия ва буғдой каби қишлоқ-хўжалик махсулотлари кўлланилади. Бундан ташқари, товуқ эмига сунъий протеин, витамин,

энзим, гормон ва антибиотиклар, бузилишнинг олдини олуви чи моддалар (формальдегит ва нитрат-нитритлар) ва бошқа қатор қўшимча моддалар кўшилади. Тухум саригининг янада сарик, пўстлоғининг ранги бўлиши учун емга ранг берувчи E161 (xanthophyl) хам кўшилади. Xanthophyl устида қилинган тадқиқотлар охирига етмаган инсон соглиги учун зарари аниқланмаган. Фақат бу моддага товуқ ёғида ва тухумида дуч келинади. (“Қўшимча моддалар” бўлимига каранг.)

### Тухум

Тоза (янги) табий тухумнинг оқи хомлай ичилганида захарланиши, овознинг хириллашини тузатади. Протеин, бойитилмаган ёғ ва минерал таркибли тухумни ҳамма ейиши мумкин.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида янги тухумнинг юрак касалликлари ва юкори холестеринг алоқаси йўклиги аниқланди.

Энг яхши тухум табий озиқланган, эндигина тухум кўйишга бошлаган товуқнинг 1-3 кунлик тухумидир. Ҳафтада 1-2 марта тухум ейиш кифоядир. Фақат тухум ейишни ёқтирадиганлар ҳафтада 3-5 марта табий тухум ейишлари мумкин. Янги тухумни хомлай, ковуриб ёки 3 дақиқа қайнатиб ейиш фойдали. 5 дақиқа қайнатиб еса ҳам бўлади, бундай тухум аллергия бермайди.

Аммо 5 дақиқадан кўп қайнатилган ва 10 кундан ўтган тухум зарарли хисобланади. Унли махсулотлар ёки бисквит каби ширинлик махсулотларида кўлланилган тухум кукуни, пастеризацияланган тухумлар ва музлатгичда ойлар давомида туреб қолган тухумларнинг протеинлари кон айланишига ўтиб, оғир заҳар каби ишлай бошлайди, буйракларни сустлаштиради ва танага кучли аллергик реакция беради.

Тухумнинг янгилиги куйидагича билиш мумкин:

Янги тухум тузли сув ичига солинса, у идиш тубида ётган ҳолда туради. Тузли сувда тик турган тухум - ўртача, сув юзида қалқиб турган тухум - бузилган бўлади.

Янги тухумнинг оқи шаффоф, сариги ёйилмаган ва эластик ҳолда бўлади. Эскирган тухумнинг ҳаво бўшлиги катталашган бўлиб, ичи бузилади, бундай тухум силкитилганда овоз чиқаради.

### Ойдин СОЛИХ

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

”Эркин Йорт” интернет-газетаси  
Мустакил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъуль мухаррир  
**Камолиддин Йўлдош**